Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 6 (10.255).

1992 йил
9 январь
пайшанба

Баҳоси 35 тийин.

Вилоят ижтимоий–сиёсий рўзномаси

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ТУГАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ВАЗИРИ ЛАВОЗИМИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти лавозими тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири лавозими жорий этилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

а) 102-модданинг 8-бандидаги «Ўзбекистон ССР вице-президентининг, Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамаси раиси биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 107-модданинг биринчи қисми «Ўзбекистон Республикасининг Президентига» деган сўзлардан кейин «Вазирлар маҳкамасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

в) 113-модда «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раисига» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар маҳкамасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 118-4-модданинг 6-бандидаги биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бош вазирни, унинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларини тайинлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тасдиғига киритади»;

д) 118-9-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар Ўзбекистон Республикасининг Президенти бирон-бир сабабларга кўра ўз вазифаларини бажаришни бундан буён давом эттира олмаса (шу жумладан — саломатлиги ёмонлашган ва бу ҳол Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тузадиган давлат тиббиёт комиссиясининг хулосаси билан тасдиқланган бўлса), Олий Кенгаш янги Президент сайлови ўтказилгунга қадар республика Президенти вазифасини вақтинча бажариб турувчи кишини сайлайди»;

е) 120-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати Бош вазирдан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларидан, республика вазирларидан, давлат комитетларининг раисларидан, йирик концернларнинг ва бирлашмаларнинг раҳбарларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Вазирлар маҳкамасига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 январь.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ИДОРАЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитида ижроия ҳокимиятини мустаҳкамлаш зарурлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, ноҳиялари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозими таъсис этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, вилоятларнинг ҳокимлари Ўзбекистон Республикасининг Президентига ва халқ депутатлари тегишли кенгашларига ҳисоб берадилар, Президентнинг жойлардаги расмий вакиллари бўладилар, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар ҳамда шундан сўнг халқ депутатлари тегишли вилоят кенгашлари томонидан тасдиқланадилар;

ноҳиялар ва шаҳарларнинг (Тошкент шаҳри бундан мустасно) ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари тегишли ноҳия, шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланадилар;

шаҳарлардаги ноҳияларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари тегишли шаҳардаги ноҳия кенгаши томонидан тасдиқланадилар;

ноҳия ва шаҳарларнинг ҳокимлари ўзларидан юқори турувчи ҳокимларга ва тегишли халқ депутатлари кенгашларига ҳисоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ҳокимлар бошчилигидаги халқ депутатлари вилоят, ноҳия ва шаҳар кенгашлари маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни умумдавлат манфаатлари ҳамда кенгаш ҳудудида яшаётган фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этадилар, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, юқори давлат идораларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуйи кенгашларининг фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

4. Ҳоким ижроия аппаратига эга бўлиб, бу аппарат ҳозир амал қилиб турган кенгаш ва ижроия комитетининг вазифаларини бажаради. Аппаратнинг тузилишини ва штатларини ҳоким белгилайди ҳамда халқ депутатлари кенгаши тасдиқлайди.

5. Ҳокимнинг ўринбосарларини, аппарат бўлимлари ва бошқармалари, бошқа бўлинмаларининг раҳбарларини ҳокимнинг тақдимига мувофиқ халқ депутатлари тегишли кенгашлари тасдиқлайдилар.

6. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзига бериб қўйилган ваколатлар доирасида қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ҳокимнинг қарорлари ва фармойишлари кенгаш ҳудудидаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамият ва бирлашмалар учун, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

7. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг сессиялари ҳокимлар томонидан заруратга қараб, лекин бир йилда камида икки марта чақирилади.

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу қонундан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий ҳокимият идораларини тузиш масалалари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ушбу қонунга мос тарзда белгиланади.

10. Ушбу қонун матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради ва Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилингунга қадар амалда бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 январь.

ҚУТЛОВЛАР

Тошкент, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

Ўзбекистон Республикаси Президенти умумхалқ сайловида эришган яққол ғалабангиз билан астойдил қутловларимни қабул этгайсиз.

Иккала қардош халқ ўртасидаги анъанавий яхши, ўзаро манфаатли муносабатлар ва ҳамкорлик бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланаверишига ишончим комил.

Сизга омад тилайман, белгилаган режаларингизни рўёбга чиқаришда одамларнинг ялпи кўмаги Сизга мададкор бўлсин.

Камоли эҳтиром билан
Қозоғистон Президенти
Нурсултон НАЗАРБОЕВ.

* * *

ҲУРМАТЛИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Сиз Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганингиз билан Озарбайжон халқи номидан табриклайман. Ўзбек халқи Сизни Президент қилиб сайлаганлиги аҳолининг кенг табақалари орасида қозонган юксак обрў-эътиборингизнинг далилидир. Республикаларимиз ўртасидаги анъанавий дўстона алоқалар мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида ҳам, икки томонлама асосда ҳам янада равнақ топаверишидан умидворман. Сизга сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқининг бахт-саодати йўлидаги ишингизда муваффақиятлар тилайман.

Озарбайжон Президенти
Аёз МУТАЛИБОВ.

* * *

АЗИЗ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Бутун халқ Сизни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганлиги муносабати билан энг самимий қутловларимизни қабул этгайсиз.

Дўст ўзбек халқининг бахт-саодати йўлида шу юксак ва масъулиятли лавозимда Сизга кўпдан-кўп муваффақиятлар тилайман.

Эҳтиром билан
Украина Бош вазири
Витольд ФОКИН.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ (ҚОРАКЎЛЧИЛИК, ҚЎЙЧИЛИК, УЮР ЙИЛҚИЧИЛИГИ ВА ТУЯЧИЛИГИ) ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қорақўлчилиги, қўйчилиги, уюр йилқичилиги ва туячилигида банд бўлган ходимларнинг ғоят оғир меҳнат шароитини, ноқулай об-ҳаво ва иқлим шароитида узоқ муддат бўлишларини ҳисобга олиб ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Яйлов чорвачилиги чўпонлари, йилқичилари, туячилари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари 1992 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги солиғи тўлашдан озод қилинсин.

2. Яйлов чорвачилиги ходимлари учун ҳар йилги меҳнат таътили муддати 36 иш куни қилиб белгилансин.

3. 1992 йилдан бошлаб қорақўлчилик ва қўйчилик хўжаликлари ходимларининг иш ҳақига қўшимча коэффициент меҳнат шароитидаги сувсизлик, олислик ва бошқа табиий-иқлимий хусусиятлар ҳисобга олиниб жорий қилинсин. Меҳнат вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига тегишли таклифлар тақдим этсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ижроия комитетлари, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари:

— республиканинг яйлов чорвачилигидаги, қорақўлчилик ва қўйчилик хўжаликларидаги камида 5 йил узлуксиз иш стажига эга бўлган ходимларга қишлоқ аҳолиси манзилгоҳларидаги давлат уй-жой фондининг улар яшаб турган уйлари ёки квартираларини шахсий мулк қилиб бепул берсинлар;

— яйлов чорвачилиги ходимларига совхозлар ва колхозларнинг иқтисодий рағбатлантириш жамғармалари маблағларидан кўмакчи иморатлари бўлган уй-жойлар қуриш учун қайтариб олмаслик шарти билан қарз бериб, бинокорлик материалларини харид қилишда кўмаклашсинлар;

— ёш чўпонларнинг ойлаларига шахсий ёрдамчи хўжаликни ташкил этиш учун имтиёзли шартларда сигирлар ёки отлар (туялар), қўйлар бериб, уларни ем-хашак билан таъминлашда ёрдам кўрсатсинлар;

— тармоқда камида 5 йил узлуксиз иш стажига эга бўлган ходимларга енгил автомобиллар, мотоцикллар, холодильниклар, телевизорлар, кир ювиш машиналари ҳамда бошқа ғоят харидоргир маданий-маиший ва хўжалик моллари биринчи галда сотиб олиш ҳуқуқини берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг иштирокида 1992—1995 йилларда Самарқанд, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида чўпонлар ва уларнинг оилаларини соғломлаштириш учун санаторий-профилакторийлар очсин.

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига республика қорақўлчилик ва қўйчилик хўжаликларининг чўпонлари ҳамда бошқа ходимларига санаторийлар ва дам олиш уйларига қўшимча равишда йўлланмалар ажратишни кўзда тутиш тавсия этилсин.

7. Тармоқнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қорақўлчи» фахрий унвонини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қорақўлчи» фахрий унвони ва кўкрак нишони тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 10 кун муддат ичида қорақўлчилик ва қўйчилик ходимлари тонфалари рўйхатини, бориб ишлаш учун ушбу фармонда белгиланган имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқини берадиган районлар ва хўжаликларнинг рўйхатларини тасдиқласин.

И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ш. Р. МИРСАИДОВ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ **Шукрулло Раҳматович Мирсаидов** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ У. А. АБДУРАЗЗОҚОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Убайдулла Аббосович Абдураззоқов Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат комитетининг раиси вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 январь.

ШАХСИЙ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилоятида жойлашган қуйидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари

1992 ЙИЛ 10 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

бензинни тижорат нархларида (купонсиз)

СОТИШГА УТАДИ:

1. 47-АЁҚШ	Қибрай қўрғони;
2. 50-АЁҚШ.	Ғиштқўприк қўрғони;
3. 57-АЁҚШ	Хасково қўрғони;
4. 88-АЁҚШ	Чирчиқ шаҳри;
5. 97-АЁҚШ	Бекобод шаҳри;
6. 27-АЁҚШ	Олмалиқ шаҳри;
7. 28-АЁҚШ	Дукент шаҳри;
8. 93-АЁҚШ	Юқори Чирчиқ райони;
9. 37-АЁҚШ	Ўрта Чирчиқ райони, К. Маркс номли жамоа хўжалиги;
10. 39-АЁҚШ	Пискент шаҳри;
11. 40-АЁҚШ	Бўка шаҳри.

Бошқа АЁҚШларда бензин давлат чакана нархларида купонга

СОТИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1992 ЙИЛ 1 КВАРТАЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ФАВҚУЛОДДА БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалиги ва ижтимоий соҳа 1992 йилнинг биринчи кварталида нормал ишлаб туришини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил I кварталига мўлжалланган фавқулодда бюджети даромадлар бўйича 15,3 миллиард сўм, харажатлар бўйича 16,6 миллиард сўм миқдорида ёки 1,3 миллиард сўм етишмовчилик билан тасдиқлансин.

2. 1992 йил I кварталининг фавқулодда бюджетидаги етишмовчиликни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика давлат банки кредитларини жалб этишига рухсат берилсин.

3. Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш тадбирларини барча даражадаги бюджетлардан пул билан таъминлаш 1992 йилнинг I кварталида ҳар ойда қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

бюджет муассасалари ва ташкилотларининг иш ҳақи, стипендиялар, нафақалар, овқатланиш, дори-дармонлар учун тўлов харажатларини пул билан таъминлаш тўла ҳажмда амалга оширилсин;

бюджет муассасалари ва ташкилотларини харажатларининг қолган моддалари бўйича пул билан таъминлаш амалда маблағларни ўзлаштиришга ва даромадлар олинишига қараб амалга оширилсин.

4. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб бюджетга оборот солиғидан, савдо-сотиқ ва фойда солиқларидан тўловлар, шунингдек корхоналарнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ўн бир фоиз ажратма тўловлари, реновацияга йиғирма фоиз миқдордаги амортизация ажратмалари бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгунга қадар вақтинча қуйидаги солиқ ва тўловлар жорий этилсин:

қўшилган қийматга 30 фоиз ставка бўйича солиқ;

акцизлар;

корхоналарнинг мол-мулкига 0,5 фоиз ставка бўйича солиқ;

эркин нарх-навони жорий этишдан олинадиган даромадлар;

корхоналарнинг даромадларидан 18—30 фоиз ставка бўйича олинадиган солиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига Олий Кенгашнинг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитети билан биргаликда корхоналардан олинадиган даромадларга юқорида кўрсатилган миқдорлар доирасида солиқ ставкаларини, шунингдек, республикадан ташқарига олиб чиқиб кетилаётган маҳсулотга эркин нархлар жорий этилишидан олинадиган даромад ставкаларини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бош давлат солиқ бошқармаси билан биргаликда янги жорий этилган солиқлар ва даромадларни бюджетга тўлаш тартибини республика молия идоралари ва тўловчилар эътиборига етказсин.

6. 1991 йилда амал қилган автомобиль йўллари қурилишини пул билан таъминлаш, шунингдек, транспорт воситаларининг ва бошқа ўзиюрар машиналар ва механизмларнинг эгалари тўлайдиган солиқ ставкалари 1992 йилда ҳам сақлаб қолинсин.

7. 1992 йилнинг 1 январидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар (ногиронлар ва пенсионерларнинг жамоат ташкилотлари, уларнинг корхоналари, муассасалари, бирлашмалари ва ўқув юртларидан ташқари), давлат ижтимоий суғуртасига тўлайдиган бадаллар тарифи 37 фоиз миқдорида белгиланиб, унинг 82,5 фоизи пенсия фондига ва 17,5 фоизи ижтимоий суғурта фондига ўтказилиши кўзда тутилсин.

Фуқаролар пенсия фондига ўтказадиган мажбурий суғурта бадаллари иш ҳақи суммасининг 1 фоизи миқдорида белгиланганича сақлаб қолинсин.

8. Корхоналар, муассасалар (бюджет муассасаларидан ташқари), ташкилотлар, кооперативлар ва бошқа иш берувчиларнинг, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг шаклидан қатъи назар, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 3 фоизи миқдорида аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш фондига мажбурий ажратма ўтказиши ва бу харажатлар маҳсулот таннархига қўшиб ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

9. 1992 йил 1 кварталги учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетига ажратмалар нормативи қуйидагича белгилансин:

қўшилган қиймат ҳақидан олинадиган солиқдан: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг бюджетига 70 фоиз, Тошкент шаҳрининг бюджетига 10 фоиз;

корхоналарнинг даромад солиғидан — 30 фоиз миқдорда;

корхоналарнинг мол-мулк солиғидан — 100 фоиз миқдорда;

коммунал мулк объектлари (шу жумладан, тугалланмаган қурилиш)ни хусусийлаштиришдан олинган даромаднинг 100 фоизи, республика мулки объектларини хусусийлаштиришдан олинган даромаднинг 40 фоизи миқдорида.

10. Эркин нарх-наво жорий этилишидан тушадиган акцизлар ва даромадлар Ўзбекистон Республикасининг бюджетига ўтказилсин.

11. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб автомобиль йўлларини таъмирлаш ва уларни лозим даражада сақлаб туришни пул билан таъминлаш:

жамоа хўжаликлари, шўро хўжаликлари, саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотларининг 1991 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотлари амалдаги ҳажмнинг 1 фоизи миқдоридаги ажратмалари;

тайёрлов, савдо корхоналари ва ташкилотларидан, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналари, Савдо вазирлигининг улгуржи ташкилотлари, таъминлотчи-сотувчи ташкилотларнинг 1991 йилда ишлаб чиқарган маҳсулотлари амалдаги ҳажмнинг 1 фоизи миқдоридаги ажратмалари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси
Ш. МЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 январь.

• *ЎзХДП ташкилотларида*

ИЛК ҚАДАМЛАР

Жумҳуриятимизда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар, кўп партиявийлик системасига ўтилиши Ўзбекистон Халқ Демократик партияси олдига ҳам мураккаб вазифаларни қўймоқда. Яқинда ташкил этилган ЎзХДП Оҳангарон ноҳия ташкилотида аҳвол қандай? Ташкилотнинг ҳозирги вазиятдаги мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Жойларда бошланғич ташкилотлар ўз фаолиятларини қандай бошладилар?

Жамоатчи мухбиримиз ЎзХДП Оҳангарон ноҳия ташкилотида бўлиб, мазкур саволларга партия аъзоларининг муносабатини сўради.

Э. Худойбердиев, ЎзХДП Оҳангарон ноҳия Кенгаши биринчи котиби:

— Мавжуд сиёсий вазият партиямиз аъзоларидан зийрак онглилик билан фаол ғайрат кўрсатишни, ташаббускор бўлишни талаб этмоқда. Президент сайлови жараёнида ҳар бир бошланғич партия ташкилоти жойларда ташаббусни ўз қўлларига олишлари лозим. Ҳозирга қадар кўп жойларда сайловга бағишланган митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Унда партия аъзоларининг фаоллиги сезилиб турди, албатта. Лекин ҳали бу кам. Ҳозирга қадар ноҳиямизда 46 та бошланғич партия ташкилоти тузилиб, ЎзХДП аъзолари сони 1200 нафардан ортди. Аммо ҳали ташкилотларнинг кўпчилиги етарлича изчиллик билан ҳаракат қилишмаяпти. Партиямиз Низоми ва Дастури доирасида мафкуравий ишларни кучайтиришимиз, кенг омма орасига кириб боришимиз керак. Партия аъзолари сафини муносиблар ҳисобига кўпайтириш учун тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириб юборолганимиз йўқ. Ваҳоланки, кенг жамоатчилик орасида бизнинг партиямизга кириш истагида юрганлар кўпчиликни ташкил этади. Партиямиз ғоя ва мақсадлари халқ кўнглига яқин. Зеро уни кенг тарғиб этишимиз лозим. Ёшлар, зиёлилар ва ишчи-деҳқонлар, диндорлар орасидан ғоявий эътиқодли кишиларни сафимизга кенгроқ тортишимиз керак, деб ўйлайман.

Ф. Шеров, «Оҳангарон» совхози бошланғич партия ташкилоти котиби:

— Одамларимизни лоқайдлик тарк этмоқда. Улар сиёсий ҳаётга изчил аралаша бошладилар. Бу жуда қувонарли ҳолдир. Ҳўжалигимизда жумҳуриятимиз Президентлигига сайлов муносабати билан бир неча жойда йиғилиш ва митинглар бўлиб ўтиб, унда 670 дан ортиқ киши иштирок этди. Улар жумҳуриятимизнинг ҳозирги Президенти И. Каримов номзодини қўллаб-қувватладилар. Чунки ўтган қисқа давр мобайнида Президентимиз жуда катта ва хайрли ишларнинг амалга ошишида алоҳида хизмат кўрсатди. Улардан энг муҳими мустақиллигимиздир. Энди одамлар онги ўзгарди, яшаш тарзи ҳам шунга яраша шаклланиб, ўзгариб борса яхши бўларди. Ташкилотимиз ижроия бюроси аъзолари ва фаолларимиз Фурқат Мирзаев, Холмат Ҳасанов, Қаюм Иброҳимов ва бошқалар жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришмоқда. Ўтган вақт шуни кўрсатдики, партия гуруҳлари ёки бўлим ташкилотларини ҳам тузишимиз керак экан. Ҳозир шунинг ҳаракатидамиз. Беш жойда бўлим партия ташкилотларини туздик. Келгусида аҳоли ўртасида мафкуравий ишларни янада жонлантириш ниятидамиз.

Р. Юнусов, «Янги ҳаёт» совхоз — саноат комплекси бошланғич партия ташкилоти котиби:

— Ҳўжалигимизда партия аъзолари 45 кишига етди Лекин ҳали янги партияга ишончсизлик билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Ана шу ишончсизлик тўсиғини енгиб ўта олишимиз лозим. Бунга эса амалий ишларсиз эришиб бўлмайди.

Р. Холиқов, ЎзХДП Оҳангарон ноҳия Кенгаши котиби:

— Жойларда ҳали кўпчилик партиямиз Дастури ва Низоми билан яқиндан таниш эмас. Аввало, Дастур ва Низомни, унда ифодаланган мақсадларни кенг омма орасида тарғиб қилишимиз керак. Мафкуравий ишларнинг турли услубларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман.

У. Шерматов, ЎзХДП ноҳия ташкилоти тафтиш комиссияси раиси, 5-механизациялашган кўчма колонна партия ташкилоти котиби:

— Агар ижроия бюро аъзолари, ЎзХДП барча аъзолари ҳам албатта, фаол бўлишса кўп ишларни қилишга қодирмиз. Меҳнат жамоасида, маҳалла-қўйда, албатта ишонч қозона оламиз. Партиямиз халқ бахт-саодатидан бўлак мақсади йўқ, бутун ҳаракатимиз ҳам айнан шунга қаратилган. Бизнинг ташкилотимизга ҳозирча 29 киши аъзо бўлди. Менимча, партия сафларини ўстириш билан бирга унинг сифат жиҳатига ҳам алоҳида аҳамиятни қаратиш керак. Партия сафига омманинг синалган, сиёсий баркамол кишиларни қабул қилайлик. Бизнинг жамоамизда ҳам партияга кириш истагида юрганлар анчагина. Ҳатто, партияга ўта олмай қолганлар ҳам бўлди. Бу менимча табиий ҳол. Қабул масаласига ҳозирданоқ жиддий ёндашмоқ давр талаби, деб ҳисоблайман.

М. Ҳасанов, «Ўзбекистон» совхози партия ташкилоти котиби:

— ЎзХДП парламент типидаги партия. Шунинг учун ҳар қандай хўжалик ишларига ҳам партияни аралаштириб, унинг обрўсини тўкмаслик керак. Партия аъзоларига талабчан бўлайлик, улардан халққа наф тегсин. Бизда партия аъзоларининг сони 81 кишига етди. Яна 15 дан ортиқ киши дан ариза тушган. Қабул масаласига маъсулият билан ёндашиш диққат эътиборимизда.

А. Жоналиев, Собир Раҳимов номли совхоз партия ташкилоти котиби:

— Совхозимиз худуди анча-мунча тарқоқ. Гарчи аъзоларимиз 83 тага етган бўлсада, бу рақам ЎзХДП га аъзо бўлишни истовчиларнинг ҳақиқий сонини акс эттирмайди. Чунки яна 30-40 киши партиямизга аъзо бўлиш истагида эканлиги маълум.

Бироқ биз фақат қабул ҳақидагина ўйламаслигимиз керак, токи партия аъзоларининг қизиқишлари, ҳаёти, ҳаракат эътибордан четда қолиб кетмасин. Шу билан бирга партиявий таъсирни ҳам кучайтириш зарур.

Р. Қўйбоқаров, «Бирлик» ижара-жамоаси бошланғич ташкилоти котиби:

— Ҳали асосий ишлар олдинда. Лекин жамоамизда Малика Бўриева, Етмиш Богисбоев сингари фаолларимиз бор экан, ишларни албатта жонлантириб юборамиз. Олдинда турган мақсадларимиз улкан. Вазифаларимиз эса жуда кўп.

Суҳбатдош Н. АБДУРАСУЛОВ.

АЛОҚА ХИЗМАТИ ҲАР КУНИ КЕРАК

ЭНДИЛИКДА халқ хўжалигини ҳам, турмушни ҳам алоқа воситаларисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. У бу соҳаларнинг барча тармоқларига чуқур кириб борган. Шунга қарамай талаб тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Уни қондириш эса ниҳоятда мушкул бўлаяпти. Шу сабабли ҳам, айниқса, ҳозирги вақтда алоқачилар шаънига танқидий фикрлар тобора кучли бўлмоқда. Биз бу танқидларга қарши эмасмиз, чунки камчиликларимиз етарли ва танқид бизга уларни бартараф этишда ёрдам беради. Танқидчилар асосан, алоқачилар хизмати учун тўланадиган ҳақ ўсиб кетганлигини, алоқачиларнинг иши эса қандай бўлса шундайлигича, яъни эскилигича қолганлигини, ижобий силжиш сезилмаётганлигини, етарли яхшиланиш йўқлигини таъкидлашади.

Ҳақиқатда шундаймикан? Алоқачилар хизматининг ёмонлашуви ва қимматлашишида шу соҳа ишчи-хизматчиларининг айби йўқ. Алоқа хизмати учун тўланадиган хақларнинг ўсиши билан на бизнинг фондимизга ва на бизнинг ойлик маошимизга заррача ҳам маблағ қўшилмади. Бугунги кунгача почтальонлар, электромеханиклар, операторлар, сараловчиларнинг ойлик маошлари 140—160 сўмни ташкил этди. Алоқачиларнинг ўртача маоши бошқа соҳа ишчи-хизматчиларник и д а н паст. Вилоят алоқа бошқармасининг ўтган йили матбуот маҳсулотларини тарқатишдан кўрган зарари 1 миллион 212 минг сўмни ташкил этди. Почта хизматининг қимматлашиши юқорида келтирилган зарарнинг ўрнини қоплай олмади. Ҳозир эса аҳвол айтиб ўтганимдан яна ҳам оғир. Бизнинг ҳисоботимизга кўра 1991 йили кўрадиган зараримиз 1,3 миллион сўмни ташкил этади. Матбуотчиларнинг берган ёрдам пуллари алоқачилар харажатининг ўрнини қоплай олмаяпти.

Темир йўл, ҳаво транспорти ва автотранспорт хизмати 4—10 баробар қимматлашиб кетди. Электр энергияси, коммунал хизмат учун тўланадиган ҳақ ҳам кўтарилиб кетган. Шу сабаблар почта ва алоқа хизмати таннархининг ошишига олиб келди. Иқтисодий жиҳатдан қийналган аҳоли зиммасига яна бу юкни юклашни ноўрин, деб ҳисобладик. Бу вазиятдан чиқадиган бошқа йўлларни ахтаришимиз керак.

Давлат томонидан алоқа воситаларини 'ривожлантириш учун ажратилаётган инвистициялар берилмай қўйилди. Банклардаги кредитларимиз учун тўланадиган фоизлар нисбатан катта. Алоқа муассасалари тасарруфидаги маблағлар арзимаган миқдорда. Шунга қарамасдан алоқа хизматини кенгайтириш имкониятлари ишга солинмоқда. Бироқ бу билан мушкулимиз енгиллашмаяпти. Бугунги кунда вилоятимизда 50 минг га яқин оила телефон аппаратларини ўрнатишимизни кутиб турибди. Қишлоқларимизда телефон алоқаси ва радиоэшиттириш ишлари жуда ҳам суст олиб борилмоқда. Вилоятимизнинг 250 га яқин аҳоли манзилгоҳларида умуман бирорта телефон нуқтаси ўрнатилмаган.

Яқин вақтларгача бир телефон номерининг қурилиши 500—600 сўмга тушар эди, ҳозирги кунга келиб материаллар, асбоб-ускуналарнинг қимматлашиши натижасида телефон ўрнатиш таннархи 2—3 баробар ошиб кетди.

Амалда бўлган тарифларни ва яқинда ўзгарган баҳоларни ҳисобга олиб шуни айтиш мумкинки, телефон станциялари қурилишига харажат қилган маблағларимиз ўрнини ҳеч қачон қоплай олмаймиз. Қанча кўп телефон станциялари қурилса, бизнинг кўрадиган зарар шунча кўп бўлади. Вилоятимизда ҳозир 150000-та телефон нуқталари ишлаб турибди, булар бизга ҳар йили ярим миллион сўм ҳажмида зарар етказмоқда. Ёрдам пули ва маблағларни қайта тақсимлаш ҳозирги кунда қўлланилмаяпти. Бу вазият капитал қурилиш ҳажмининг, янги автоматлашган телефон станциялари (АТС) қурилиши, кабель магистралларини, шаҳарларни радиолаштириш каби ишларнинг қисқаришига олиб келмоқда.

Бу йил маҳсулотлар таннархи ошганлигини ҳисобга олиб, бизнинг қиладиган харажатларимизни қоплаш учун давлат ғазнасидан 6,2 миллион сўм олмоқ зарур. Лекин бу маблағ ажратилгани йўқ. Алоқа муассасалари ўз даромадларини шу мақсад учун ишлатишга мажбурлар. Бизнинг фикримизча, агар алоқа хизмати учун тўланадиган ҳақни кўпайтириш масаласи ҳал қилинмас экан, у ҳолда давлат ғазнасидан дотация ёки ёрдам пули ажратилиши зарур бўлади. Ёки бизнинг даромадимиз, фойдамиз, товарооборотимизга солинадиган давлат солиқларини камайтириш, банкларидан олинган ссудаларни бекор қилиш ва фоизсиз ссудаларни жорий этиш, ссудани жуда имтиёзли шартларда берилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Акс ҳолда биз фақатгина зарар келтирувчи соҳа бўлиб қоламиз. Ахир бизнинг соҳамизга бугунги лаб чиқариш корхоналари, қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалар бизга ёрдам қўлини чўзишларини жуда-жуда истар эдик. Масалан, фоизсиз ссудалар ажратиш, хорижий мамлакатлардан алоқа техника воситаларини сотиб олиш учун валюта маблағлари билан ёрдам беришса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир фикрим бор. Алоқа воситаларини четдан олиб келиш ниҳоятда қийинлашмоқда. Буни ҳисобга олиб, вилоятимиздаги айрим корхоналар алоқачиларга ҳаводек зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришлари зарурат бўлиб қолди.

Масалан, турли кабеллар, эҳтиёт қисмлар, темир-бетон симёғочлар ва бошқа техник ускуналар шулар жумласидандир. Маҳаллий Кенгашлар ва ижроия қўмиталарнинг амалий ёрдамига муҳтожмиз. Улар пул маблағлари билан моддий-техник таъминотни амалга оширишлари зарур.

Жумҳуриятимизда алоқа ҳақидаги қонунчиликни ишлаб чиқиш, бу соҳани ривожлантириш миллий дастури тузиш ҳам лозим. Шунда йиғилиб қолган масалалар ўз ечимини топган бўлур эди. Соҳамиздаги муаммоларни ўзимиз ҳал қилишимиз керак ва уларни бошқалар зиммасига юкламаймиз. Бизга фақат ёрдам керак.

Ҳозирги қайта қуриш даврида алоқа тармоқларининг ишини умуман сусайтириб бўлмайди. Аксинча уни такомиллаштириш зарур. Бу бизнинг илгари қадам ташлашимизга ёрдам бўлади.

М. СОДИҚОВ,
Тошкент вилояти алоқа бошқармаси бошлиғи.

• *Маҳалла оқсоқоллари*

ЎЗ ЎРНИ БОР

ДУНЁДА касблар кўп. Аммо шундай касб эгалари борки, улар ўз меҳнатлари билан жамиятда алоҳида ўрин тутадилар. Ана шуларнинг бири барча ноз-неъматни етиштириб берувчи бободеҳқон бўлса, иккинчиси келажак авлодни тарбияловчи муаллимлардир. Яна бири ёшу-қарининг саломатлиги йўлида жон куйдирувчи табиблардир. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз Манноп ака Ниёзов мана эллик йилдирки, инсон саломатлиги йўлида тер тўкиб келади. У кишининг саъй-ҳаракати билан фақатгина Тошкент шаҳрида эмас, вилоятимизнинг Янгийўл ва бошқа районларида ҳам бир қатор дорихоналар очилган. У беморларга дори-дармонлар етказиб бериш билан бирга касалхоналар очилишида ҳам жонбозлик кўрсатган. Эҳ-ҳе, ана шу эллик йил ичида у кимларга хизмат кўрсатмади, кимларнинг раҳматини, дуосини олмади дейсиз. Уни билган, таниган кишилар билан суҳбатда бўлсангиз, бу ажойиб инсоннинг фақат яхшилигини эслаб гапиришади.

Аслида инсон учун ўзганинг раҳматини эшитишдан катта бахт йўқ. Балки халқ тўғрисида бундай ғамхўрлик кўрсатишнинг ўзига хос бир жиҳати, унинг Улуғ Ватан уруши даврида жангоҳларда жон олиб, жон берганлигидир. Зеро, у Кавказ ерларини немис-фашистлардан озод қилишда бутун вужуди билан жанг қилди. Моздок ва Молагбек йўналишида олиб борилган жангларда бир неча бор оғир яраланди. Госпиталда даволангач, яна жангга кирди. Айниқса, Манноп Ниёзов Долгое тоғини эгаллаш учун бўлиб ўтган ўн кеча-ўн кундуз давом этган тинимсиз жангни ҳали-ҳануз кўп эслайди. Ана шу жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун у Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланганди. Шундан сўнг Керч ва Қримни душмандан озод қилишда, сўнгра 255-денгиз пиёдалари бригадаси таркибида жуда кўп жангларда қатнашди.

— 1945 йилда оёғимдан оғир яраланиб, Тошкентга қайтдим,— дейди Манноп ака Ниёзов.— Лекин давр жуда оғир эди. Шунинг учун ҳам врачларнинг даволанишинг керак, дейишларига қарамай ишга киришиб кетдим. Дорихоналар бошқармасида иш бошладим. Тошкент вилоятининг жуда кўп районларида ишладим. Дорихоналар очишда бош-қош бўлдим. Чунки улар халқ учун жуда зарур эди.

Йиллар ўтди. Бу оғирчиликлар ортда қолди. Аммо мана етмиш ёшни қаршилаган Манноп ака Ниёзов ҳамон тиним билмайди. Ҳамон, одамлар саломатлиги йўлида меҳнат қилади.

Фақат бугина эмас. Манноп аканинг айни инсонларга бўлган меҳр-оқибати, ҳурмат-эҳтироми, мурувватлиги пойтахтнинг «Пахта» маҳалласида обрў қозониб, ўн йилдан зиёд шу маҳалла қўмитасига раислик қилишдек масъулиятли вазифани адо этишига сабаб бўлган бўлса ажабмас.

Яқинда мен шу маҳаллада кўпчилик билан ҳамсуҳбат бўлдим. Ҳамма бу фидойи инсоннинг ажойиб фазилатлари ҳақида тўлқинланиб гапиради.

— У киши раислик қилган йилларда маҳалламиз жуда ночор эди,— дейди маҳалла фаолларидан бири Обид ота Муслимов.— Табиатан ишбилармон, тадбиркор, меҳнатқаш, кўпчилик билан чиқишиб кетадиган бўлгани учунми Манноп ака ҳамманинг бошини қовуштирди. Кўчаларни ободонлаштирдик, икки чеккага ариқлар қазиб, мевали дарахтлар ўтқаздик. Жамоат бинолари, отахонлар чойхоналари қад кўтарди. Кўчаларимиз ёритилди. Энг муҳими у киши раислик қилган кезларда ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилди. Турли оилавий жанжаллар, қўйди-чиқдиларга барҳам бердик.

— Жуда тўғри айтдингиз, — суҳбатимизга қўшилди Неъмат Раҳимов.— Манноп ака маҳалланинг иши, халқнинг юмуши учун меҳнатини, вақтини аямайдиган киши. Ҳудудимиздаги эски масжидни қайта тиклаш учун ҳам у кишининг ўзлари жон куйдирдилар. Яқиндагина маҳаллага янги новвойхона зарур, деган гап кўтарилди. Дарҳол тегишли идораларга учрашиб, бу масалани ҳам ҳал қилдилар. Чойхонамизга, жамоа тўпланадиган масканимизга келган кишилар бу ерларнинг файзига, кўркам, ободлигига доимо ҳавасларини келади. Ишқилиб халқ ғами йўлида жон куйдирувчи Манноп акадек инсонлар доимо омон бўлишсин.

Ҳа, Манноп ака Ниёзовнинг «Пахта» маҳалласида амалга оширган ишлари ҳақида жуда кўпчилик фахр билан ҳикоя қиларди. 1991 йилда ўзининг 70 ёшини қаршилаган бу инсон ҳақида бирор сўз қўшиб мақтов билдиришга ҳожат ҳам қолмади. Чунки халқнинг ўзи инсоннинг кимлигини билади ва муносиб баҳосини беради. Биз эса орамизда Манноп ака Ниёзовдек кишилар сафи ортсин, улар доимо соғ-саломат бўлиб, юрт учун хизмат қилаверсинлар, деймиз.

Ҳ. ИЎЛДОШЕВ,
жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими.

• *Таклиф*

ЎЗБЕК ТИЛИДА ҲАМ ШАРҲЛАСАЛАР

ЯҚИНДА «Юбилей» спорт саройида 16—17 ёшли боксчилар ўртасида халқаро мусобақа бўлиб ўтди. Бокс-боксда! Ишқибозларнинг қарийб 90 фоизи маҳаллий миллат вакилларидан иборат эди. Ҳакамларнинг ҳам кўпчилиги ўзбеклар эдилар. Томошабин сифатида мени бир нарса ажаблантирди. Боксчиларимизнинг аксарияти рус тилини билгани учунми, ё ҳакамлик қилаётган рус биродарларимизнинг ҳурмати учунми, билмадим, бу мусобақа шарҳловчиси фақат рус тилидагина шарҳ сўзлади.

Шунингдек, «Юбилей» спорт саройининг ҳам ўзбек тилига таржимаси ҳақида бир ўйлаб кўрилса бўлар эди. Шарҳловчилар ҳам мусобақани аввал ўзбек тилида, сўнгра рус тилида олиб боришга одатланишлари мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. («Пахтакор» ўйинғоҳидаги каби!)

Мустақил Ўзбекистон жумҳуриятини, унинг давлат тилини ва халқини ҳурматлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

ТАНҲО ЭГАЛИККА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК

Бозор иқтисодиёти назарияси масалалари

Республикамизда бошланган иқтисодий ислоҳот бошқариладиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Бозор муносабатларини қарор топтириш жараёни чўзиладиганга ўхшайди. Иқтисодий соҳадаги айрим илғор ҳаракатлар ижобий натижаларга олиб келмади. Бунинг сабабларидан бири маҳсулот сифати паст бўлган ҳолда ишлаб чиқаришнинг ҳаддан ташқари монополиялаштирилган тизими бўлиб, у ҳар қандай рақобатни бутунлай истисно этади, илмий-техника тараққиётига тўсқинлик қилади. Бу ҳол айрим корхоналар тарзида ҳам, вазирликлар ва маҳкамалар тарзида ҳам улкан монополиялар пайдо бўлишига олиб келди.

Иқтисодиёт учун идоравий супермонополия айниқса зарарлидир. Хусусан, Ўзбекистонда фаолият кўрсатган идоравий супермонополияларнинг мутлақ кўпчилиги СССР танҳо ҳокимлик сиёсий марказига бўйсуниб келганди. Фақат 80-йилларнинг иккинчи ярмида улар мамлакатдаги ва республикадаги янги сиёсий вазият тазйиқи остида Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини бироз ҳисобга ола бошладилар (шунда ҳам кўпчилиги эмас).

Республикамизда ишлаб чиқаришнинг монополияга айлантирилиши мақсадга йўналтирилган тарзда олиб борилди ва муайян тизим изчил халқ хўжалиги қурилиши билан чамбарчас боғланган эди, бу тизим энг аввало ҳарбий-саноат мажмуи ва империячилик бозорининг катта эҳтиёжлари учун хизмат қиларди. Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва ихтисослашуви аввалига бошқариладиган ишлаб чиқариш ва савдога имконият яратди. Ҳозирги вақтга келиб монополияларнинг чексиз ҳукмронлиги маъмурий-команда тизими билан мустаҳкамланган йўқ, бу ҳол уларнинг ўзи таназзулга учрашини кучайтирди, товар массасининг ҳажмлари ва турига, халқ истеъмоли, пул муомаласига салбий таъсир кўрсатмоқда. Аслида кўпчилик монополиялар компрадор кўринишига эга эди (чет эл капитали билан маҳаллий бозор ўртасида воситачилик қилиш). Чунки хом ашё ва яримтайёр маҳсулотлар етказиб бериш, сифати паст маҳсулотни сотиш билан империя манфаатлари ва ҳарбий-саноат жамғармуига хизмат қилардилар. Монополиялар акцияланган, ўрта ва майда, шунингдек хусусий корхоналар ривожланиш имкониятларини кескин қисқартириб қўяди.

Монополияларни акциялаш ва улар энг муҳим қисмларининг чет эл қўшма корхоналарига айланиши янги, Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари учун янада хавфли вазият пайдо бўлишига олиб келади. Янгиланган монополиялар бозор муносабатларининг ўзига фойдали жиҳатларини дарҳол ўзлаштириб олишлари мумкин. Ўз ходимлари манфаатдорлиги учун шарт-шароит яратадилар, яъни ижтимоий қўллаб-қувватлаш қатламини вужудга келтирадилар. Ва янги шароитда ҳўжаликни монополиялаштириш ва товарлар ҳамда хизматлар рақобати учун иқтисодий майдонни қисқартириш йўлидан борадилар. Кўп мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистон учун ҳам янги мустамлакачилик кўринишлари намоён бўлишини истисно этиш мумкин эмас. Шунинг учун танҳо эгаликка қарши қонунчилик чет эл инвеститорлари томонига ҳам қаратилган бўлиши, аввало ўзимиздаги фойда келтирадиган ҳар қандай ишга ҳомийлик қилиниши керак. Маҳаллий корхоналар билан ҳамкорлик қилиш имкониятини туғдириш учун хорижий ишбилармонларнинг рақобат қила билиш тартибини ишга солиш, уларда ўзаро фойдали шартларда акцияларнинг қайд қилинган улушини қўлга киритиш зарур.

Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, монополизмга қарши курашиш учун ялпи умумдавлат дастури ишлаб чиқилган бўлиши керак, у ҳам ташкилий-иқтисодий, ҳам ҳуқуқий, ижтимоий чораларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Ўзбекистонда танҳо эгаликка қарши қонунчилик яратилар экан, бу ишни дарҳол амалга ошириш ва бизнинг бозорга ўтмаган иқтисодиётимизга илмий-техника тараққиёти даврининг тегишли рақобат тартибларини ўз-ўзидан кўчириш мумкин эмас. Бизнинг танҳо эгаликка қарши снёсатимиз ўз йўлига, ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлиши керак.

Агар Ғарбда давлатнинг ижтимоий вазифаси хусусий корпорацияларнинг монополистик тамойилларига қарши курашдан иборат бўлса (бу кураш бозорда ўзининг мутлақ ҳокимиятини таъминлайди), бизнинг республикамизда давлат ўзи билан ўзи кураша олмайди, чунки ҳозирги вақтгача ишлаб чиқаришнинг монополияга айлантирилганлиги давлатнинг ўз иқтисодий сиёсатидан бошқа нарса эмас. Давлат бу сиёсатни ихтиёрий равишда ўзгартириши, ишлаб чиқаришда танҳо эгаликни аста-секин йўқота бориши керак. Ана шу мақсадларда фойда келтирадиган ҳар қандай хусусий иш давлат томонидан рағбатлантирилиши ривожлантирилишигина, шу жумладан монополияларга қарши ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда акцияларни ҳам Ўзбекистонда товар ишлаб чиқарувчилар рақобат қилиши учун имконият яратади. Бунда танҳо эгаликка қарши чоралар солиқ имтиёзлари билан қўшиб олиб борилиши керак. Улар хусусий уддабуронлик ва рақобат қилувчиларни қўллаб-қувватлаши керак. Бу хилдаги ёндашувларда Туркиядаги иқтисодиётда этатизм (мақсадга йўналтирилган давлат аралашуви, бошқаруви) намунаси катта қизиқиш туғдиради. У иқтисодий юксалиш ва мамлакатнинг тараққиёт сари қадам қўйишига асос яратиб берди.

Давлат бошқарув иқтисодий тузилмаларини тугатиш ҳозирги вақтда АҚШ шароитида самарали бўлса-да, у Ўзбекистонда ижодий қайта ўйлаб кўрилиши керак. Сингапур, Таиланд, Малайзия, Корея Республикаси намунаси давлат идоралари таркибининг асосини халқаро даражадаги мутахассислардан шакллантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бунда кўпинча хориждан ватандошларни, ёки чет элликларни жалб этиш керак бўлади. Бу давлат идоралари солиқ чораларни, имтиёзли лицензиялар (рухсатномалар), субсидиялар (ёрдамга бериладиган маблағлар), кредитлар, давлат номидан кафолатлар, шу жумладан чет элликлар учун кафолатлар билан

Ҳозирги вақтда Япония, Германия, Франция, Буюк Британияда амал қилаётган иқтисодиётга давлатнинг таъсири схемаларидан кўра у жойларда 30—80 йил аввал ва ундан муқаддам фаолият кўрсатган схемалар амалий қизиқиш туғдиради.

Ҳозирги вақтда рақобатли ички (шунингдек ташқи ҳам) иқтисодиётга бўлган жамият эҳтиёжи билан бундай иқтисодиёт учун четдан қудратли иқтисодий кучлар кўмагида фақат давлат томонидангина шарт-шароит яратилиши мумкинлиги ўртасида каттагина зиддиятлар бор.

Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегиясига жавоб берадиган ишлаб чиқариш турларини, хизматларни мақсадга мувофиқ равишда ривожлантиришни рағбатлантирган бўлур эдилар.

Технократиянинг (иқтисодиётни давлат рағбатлантиришига раҳбарлик қилувчи юқори малакали бошқарув, илмий-техниканинг энг яхши намояндалари) пайдо бўлиши — Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришувида муҳим омилдир. Бироқ технократия кўп жиҳатдан бюрократияга яқин туради (бу — энг юқори даражадаги бюрократиядир). Бундан шундай хулоса чиқадики, давлат томонидан рақобатни рағбатлантириш чоралари ва унинг танҳо эгаликка қарши ҳаракатлари устидан ҳар томонлама ва мустақил назорат ўрнатиш зарур. Акс ҳолда бизни Африка мамлакатларидаги ёпасига порахўрликдек хунук оқибатлар кутиши мумкин.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришнинг аҳамияти шундаки, бундай дастлабки шароитлар бўлмаса танҳо эгаликни йўқотиш қоғозда қолиб кетади ва иқтисодий ҳамда ишлаб чиқаришдаги ўзаро алоқалар узилганлиги сабабли янада катта тартибсизликлар олиб келади. Бироқ хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришни амалга ошириш нафақат қонуний ва қонунга бўйсунувчи тусдаги ҳуқуқий ҳолатлар билан мушкуллашган. Бутун муаммонинг структуравий-технологик жиҳатдан ишлаб чиқилмаганлиги ва уни, ҳал этиш босқичлари ишланмаганлиги энг асосий қийинчилик ҳисобланади.

● МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

ИЛК СЎЗ

БУНДАН маълум вақт муқаддам Москва шаҳрида бўлганимда, бир маҳаллий киши билан қилган суҳбатимиз «таъми» ҳали-ҳанузгача тинчлик бермай келади менга. «Электричка»да кетаётгандик. Қаршимда ўтирган қирқ-қирқ беш ёшлардаги зиёлинамо (!) киши гап ташлаб қолди:

— Кавказданмисиз?

— Йўқ, Урта Осиёданман, ўзбекман, — дедим жавобан.

— Хм-м... «чежка ўлка»данман денг»... — суҳбатдошим мийиғида кулди. — Сизларда одамлар маданиятдан нақадар ортда қолишган-а!» Баъзан телевизорда кўрсатиб қолишади: таомни қўлда ейсизлар. Ариқдан сув ичасизлар. Пахсадевор уйларда яшайсизлар...

Жиндай кайфи ҳам бор эди чоғи, узоқ чулдиради у. Мен эсам аҳмоққа жавоб — сукут, қабилида иш тутиб қўяқолдим. Ёши кексароқ бир одамга жойимни бўшатиб, ундан узоқлашдим.

Лекин, кўнглим оғриди. Энди ўйлаб қарасам, сукут сақлаб бир жиҳатдан ҳато қилган эканман. Гапига яраша жавоб қилганимда, «маданият» ҳақидаги тушунчаси андак ўзгарармидийкин... Ахир, бизнинг давримизда оқни-қора, қорани-оқ деб, бунақа осмондан келадиганлар озмунчами?! Шунақа кимсалар эмасми, ирқчилик иллатини уруштаётганлар, миллатлар ўртасига адоват уруғини сочаётганлар! Бурнининг остидан нарини кўролмайдиган, ҳамма нарсани «катта марказ» ўлчови билан баҳолайдиган шўртумшуғ!.. Американи биринчи бўлиб кашф этган, осмон тоқига илк бор нарвон ўрнатган, алгебранинг дастлабки асосларини яратган, айримларнинг аждодлари ҳали ярим яланғоч юрган даврда шарм-ҳаё, покизаликдан сабоқ берган, инсон маънавиятининг илоҳаси-дилбар шеъриятни юқори чўққиларга кўтарганлар, сен назарписанд қилмаган ўша «қўли билан таом еб юрганлар»нинг аждодлари эканлигини билармикансан?! Менинг Жаҳонгир бобом Амир Темур Кўрагон Турк Султони Боязид ва Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг енгилмас қўшинларини тор-мор этиб, бунинг билан Ғарбий Оврўпани, хусусан Русияни ана шу хонликларнинг ҳалокатли ҳужумидан асраб қолганлигидан хабаринг бормикин?! «Ариқдан сув ичиб, пахса девор уйларда яшаса» ҳам сабр-тоқатни, бағри кенглиқни ўз аждодларидан мерос қилиб олган ана шу халқ тағин ҳам залворли вазифага масъуллиги-кечаю кундуз саҳрою далаларда заҳмат чекиб, мамлакатнинг устини бут, қорнини тўқ қилиш билан овораю-сарсонлиги тушингга қирибдими сенинг?! Эҳ, менинг қон бўлган жигарим — меҳнаткаш, жафокаш, азияткаш халқим! Қачон сенинг буюклигинг, маданиятсиз эмаслигингга тан берадилар? Тарих меҳробидан муносиб ўрин тутиб, иқболинг мунаввар бўладиган кунлар қачон келаркин?!

Биз ўзлигимизни энди-энди таний бошладик, тарихимиз, миллий маданиятимиз, урф-одатлару анъаналаримизни қайтадан идрок этишга киришдик. Кўрдикки, биз ҳали кўп нарсалардан бехабар эканмиз. Аниқроғи хабарсизликка маҳкум этилган эканмиз. Ҳолбуки ватани, халқи, дини, миллати, авлод ва аждодининг тарихи ўз элининг анъанавий хусусиятларини ўрганиш-билиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

«Қоғозга кўчган» ўтмишимизга имкон қадар назар ташларкансан, бу ҳали Шарқнинг заковат денгизидан — бир томчи холос, деган фикрга келасан киши. Ардоқли ўзбек шоири Эркин Воҳидовнинг бир гаплари бор. «Навоийни мутолаа қилар эканман, унинг бу дунё одами эканлигига шубҳаланиб қоламан», дейдилар ул зот. Авлиё ҳам пайғамбар бобожонимиз Низомиддин Мир Алишербекнинг (Илоё руҳи поклари охиратгача фаришталар ардоғида бўлгай) бетакрорлигига шак келтирмаган ҳолда бу фикрни ҳали кўплаб зоти шарифларимизга ҳам нисбат бериш мумкин бўлур эди. Бу ўринда мен ана шу буюк инсонлар қатори ҳали тузук тадқиқ этилиб, ўрганилмаган нақшбандийлик тариқатининг йирик намоёндаси Хўжа Аҳрор Валини назарда тутаётирман.

Кўҳна Туркистон тарихида муносиб из қолдирган бу табаррук сиймонинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида чуқур тадқиқотлар олиб бориш, мавжуд ҳақиқатни ўқувчиларга етказиш, шу баробар мақола бошида келтирганимиздек, халқимизни «қолоқ, маданиятсиз» деб ҳисоблаб юрган бетайин кимсаларни сергак тортириш муҳтарам тарихчи олимларимизга ҳавола. Мен эсам ишончли манбаларга ва Хўжа Аҳрор Вали авлодидан бўлган Дадаҳон (Асъад) ота Аҳрорий билан ўтказган суҳбатларимизга асосланиб ул тарихий шахс ҳақида баҳоли қудрат сўз юритмоқчиман.

* * *

...Хуш улким анга лутф бирла худо
Улуснинг қабулини қилди ато.
Алишер НАВОИЙ.

ХЎЖА АҲРОРНИНГ ҳаёти ва фаолияти анчадан бери шарқшунос олимларнинг диққатини тортиб келаётганига қарамай, у ҳақда ҳали узил-кесил хулоса ясалган эмас. Тадқиқотчиларнинг фикрлари ғоят хилма-хил, бу фикрлар баъзан бир-бирини бутунлай инкор этади. Айтайлик, совет тарихчиси П. Иванов Хўжа Аҳрорни «Йирик феодал ва реакцион сиёсий арбоб» деб атаса, унинг ҳамкасби А. Якубовский бу фикрни давом эттириб «Хўжа Аҳрорнинг халқпарварлик ҳамда камбағалларга шафқат ниқоби остида ноҳақ эзилганлар олдида кўз-кўз учун қилинган ҳомийлиги сиймосида Ўрта Осиё тарихида ҳали учрамаган чинакам шахсиятпараст, жуда йирик бой ва катта ер эгаси, ваҳший эксплуататор яширинганди», деб ёзади.

Яна бир шарқшунос олима О. Д. Чеховичнинг фикрлари эса ҳаммасидан ошиб тушади, унинг эълон қилишича, «Хўжа Аҳрор — йирик мулкдор, тараққиётнинг асл душмани, эзувчи синф вакилларининг кўриниб турган кўмакчиси, феодал ҳукмдорларга меҳнаткаш оммани эзиб ва улар ҳаракатини бостиришда ҳамкорлик қилган шахс», эмиш.

Албатта, барча шарқшунослар ҳам бундай бирёқлама хулосага сўзсиз қўшилаверганликлари йўқ. Масалан, Е. Бертельс нақшбандий дарвешларини фан ва маданиятнинг ўта кетган ҳасадгўй мухолифлари деган ақидага қўшилмайди. Унингча, бундай умумлашма таърифни тўғри дейиш ниҳоятда мушкул. Бу ўринда ўша давр маданиятининг тараққийпарвар икки вакили — Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ҳудди шу оқимга мансуб бўлганликларини ёдда тутмоқ жоиздир. Улар ривожланиш душмани бўлган шундай бир уюшмани ўзларига муносиб билишларига ишониш мумкинми, ахир?! Зеро, Ибн ал — Арабий асос солган нақшбандийлик таълимотини Абдураҳмон Жомий ғоят пухта ўзлаштирган ва таърифлаб берган. Шуни унутмаслик керакки, нақшбандийлик тариқати сўфийлик тарихида биринчи бўлиб уни таркидунёчилик анъанасидан ҳалос этиб, мусулмонларни фаол ҳаётга ҳақ йўлида жонбозлик қилишга ундади. Шу туфайли у чинакам халқ ҳаракатига айланди. Бу ҳаракатнинг шиори: «ДАСТ БА КОРУ ДИЛ БА ЁР!» (қўл — меҳнат билан, дил — худо билан) эди.

Бартольднинг таъкидлашича, Хўжа Аҳрор раҳнамолигидан бу ҳаракат маълум даражада ўз даврининг ҳукимдори — Темурийзодаларнинг иттифоқчиси бўлган ақидапараст бадавлат уламоларга қарама-қарши турган катта куч бўлган. Хуллас, Хўжа Аҳрор шахсияти ва фаолиятига пухта-пишиқ баҳо бериш астойдил изланишни талаб этади. Шу боисдан унинг улуғ Хўжа даражасига кўтарилиши йўлига теранроқ назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Асл номи Саид Насриддин Убайдуллоҳ бўлган Хўжа Аҳрор милодий 1404 йилда Шош (Ҳозирги Тошкент) шаҳри атрофидаги Боғистон қишлоғида туғилган. Отаси Маҳмуд Хўжа Шаҳобиддин ўғли замонасининг таниқли ва обрўли кишиларидан эди.

Хўжа Аҳрор 22 ёшга етганида таҳсил олиш ниятида Тошкентдан Самарқандга, кейин эса Бухорога сафар қилади. У ўша пайтда мадрасаларда ўқитиладиган зоҳирий (расмий) илмлардан кўра, ўзида кўпроқ ботиний (тасаввуф) илмларига рағбат туяди. Ана шу сафари чоғида Низомиддин Хомуш, Саъдиддин Қошғарий сингари мўътабар шахслар билан танишади. Орадан яна икки йил ўтгач, Ҳиротга йўл олади ва у ерда беш йил яшайди. Ҳиротдалик даврида Саид Қосим Анвар, Шайх Зайниддин Ҳавофий,, Шайх Баҳовиддин Умардек машҳур зотлар ила суҳбатда бўлади. Сўнгра Хўжа Баҳовиддин Нақшбандийнинг халифаларидан бири ҳисобланган Мавлоно Ёқуб Чархийни зиёрат этиш учун Ҳисорга келади ва бунда роса уч ой туриб қолади. Мавлоно Ёқуб Чархий Хўжа Аҳрорни шогирдликка қабул қилиб, унга катта умид бағишлайди. Шу тариқа Хўжа Аҳрор Моваройуннаҳр ва Хуросон музофотида катта обрў-эътибор қозонган нақшбандий сўфилар сафига қўшилади.

Аёнки, Хўжа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолияти темурзода амирлар, хусусан Абусаид Мирзо ҳамда унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо даврига тўғри келади. Абусаид салтанатни ўз қўлига олгач, Хўжа Аҳрорнинг эл ўртасидаги нуфузини назарда тутиб, уни Самарқандга даъват этади. Бу пайтда Ҳиротдан қайтиб келиб, Тошкентда яшаётган Хўжа Аҳрор ерга эгалик қилиш ва асарига тартиб бериш билан банд эди. Шуни айтиш керакки, сиёсат ва давлат ишларидаги иштироки Самарқандда авж олиб кетди. Бу бесабаб эмасди. Темур фарзандлари вафотидан сўнг Моваройуннаҳр ва Хуросон вилоятлари унинг ворислари ўртасида тақсимланган эди. Амирзодаларнинг ҳар бири ўз ҳокимияти чегараларини бошқаларга кенгайтиришга, кўпроқ салтанатга эга бўлишга ҳаракат қилишарди. Мақсадларига эришиш учун қон тўкиш, ғоратгарлик, биродаркушликкача бориб етмоқда эдилар. Ота — ўғлига, ўғил — отага қилич кўтаришдан тап тортмас, қишлоқ ва шаҳарларни вайрон этдилар, ўт қўйилар, бу бедодликлардан оддий улус қон қусиб ётарди.

Хўжа Аҳрор нақшбандийликнинг йирик намояндаси сифатида тасаввуф аҳли амирлар ва уларнинг ҳомийларидан ўзини четга оладиган пайт ўтди, энди замон ўзгарди, бинобарин уларга яқинлашиб, бенаволар ва мазлумлар дардини баён қилиш, амирларни инсофу адолатга чақириш фурсати етди, дея таълим берарди. Унинг ақидасича, «дарвешлик — хилватпарастлик ва осмонни кўзлаш, тоғдаги ғорларда макон тутишдан иборат эмас» эди.

Хўжа Аҳрорнинг Султон Аҳмад, Мирзо Умар шайх ва Маҳмудхон Мирзо ўртасида сулҳни таъминлашдаги катта ҳиссасини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Бу тадбиркорлик навбатдаги вайронагарчиликлар, хунрезликларнинг олдини олди. Умуман, Хўжа Аҳрор тасаввуфни тарғиб этиш билан бирга хўжалик юритиш, ижтимоий-сиёсий масалаларни оқилона ҳал этишга жиддий берилган эди.

Хўжа Аҳрор халқни доимо эзгу ишларга бошлаган, унинг маблағи ҳисобига Тошкент, Самарқанд ва Қобулда мадрасалар қурилган. Унинг ташаббуси билан жуда кўп масжидлар бунёд этилган.

Абдураҳмон Жомий Хўжа Аҳрорга бағишлаб «Тўҳфат ул-Аҳрор» достонини ёзган эди. Бундан ташқари Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», «Хираднома», «Силсилат ул-заҳоб» достонларининг ўнлаб байтларида Хўжа Аҳрор ва унинг хайрли ишлари, эзгу ҳаракатлари таърифланади. Шоир ўз даври анъаналарига мувофиқ, Хўжа Аҳрорнинг вафотига тарих ёзган ҳамда марсия бағишлаган эди.

Хўш, Хўжа Аҳрорга хос бўлган асосий хислат ва фазилатлар нималардан иборат? Жомийнинг далолат беришича, унинг шахсиятида биринчи навбатда камбағалларга меҳршафқатлилик, сўфиёна фақирлик, яъниким қўл остидаги жуда катта мулк, бойликка нисбатан бепарволик, амирзодаларга йўллаган мактублари орқали сиёсий, хўжалик ва руҳий таъсир ўтказиш, сўфилик амалиётида биринчи марта деҳқончилик билан боғлиқ вақф мулкчилиги фаолияти, Чингизхон давридан бери қонуний кучини сақлаб келаётган оддий халққа зулм, ситам келтирган тамға ва ёрлуғни бекор қилишдаги буюк арбобларга хос салоҳият ҳамда қудрат мужассам топган эди.

Буюк Алишер Навоий ҳам Хўжа Аҳрорга чексиз эътиқод ва ихлос қўйган. Бобокалонимиз «Нафоҳат ул-унс» мажмуасининг туркий тилдаги талқинини яратади ва уни «Насоим ул-муҳаббат мин шамоим алфутувват» деб номлайди. Бу асарида ҳикоя қилишича, Хўжа Аҳрорнинг таъсири нафақат Моваройуннаҳр, балки Хуросон, Эрон, Озарбайжон, Миср, Рум, Хитой ва Ҳиндистонгача бориб етган. Ушбу мамлакатлардаги ҳокимлар, улуғ олим ва мутафаккирлар уни ўзларининг пири деб ҳисоблаганлар. Хўжа Аҳрорнинг хатлари жуда катта таъсир кучига эга бўлган ва у араб тилида бу мактубларини жамлаб бир китоб тузган ҳамда уни «Рисолаи Волидия» деб номлаган. Кейинчалик буюк саркарда, туркигўй шоир Бобур Мирзо ана шу асарни ўз она тилига ўгирганлиги тарихдан маълумдир.

Хўжа Аҳрор бундан ташқари «Рисолаи Хаурия» ва «Фақарат ул-офарин» асарларининг ҳам муаллифидир. Хўжа Аҳрорнинг ҳар уччала асари ўз замонасининг юксак талаблари даражасида, адабий-илмий тилда ғоят равон ёзилганки, бу унинг араб тилини мукаммал эгаллаганидан далолат беради.

Пировардида Хўжа Аҳрор улуғ шахс сифатида халққа қандай наф келтирди?—деган савол туғилиши ўзўзидан равшандир. У аввалambор майда хонликлар ўртасида юз бериши мумкин бўлган турли низо ва урушларни бартараф этди. Ўз навбатида бу минглаб, миллионлаб одий фуқароларнинг осуда яшаши, меҳнат қилиши, фаровон турмуш кечиришини таъминлади. Қолаверса, Хўжа Аҳрор ўз мавқе-эътиборидан фойдаланиб, халқни бирлаштирди, турли миллат ва динларга мансуб кишилар ўртасида дўстлик, иноқлик, яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга жуда улкан ҳисса қўшди.

Мусулмон оламида катта из қолдирган улуғ сиймо Хўжа Аҳрор Вали ҳақидаги фикрларимизни якунлай туриб, унинг авлодларининг номларини келтириб ўтишни фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлаймиз. Зеро, уларнинг ҳар бири буюк аждодларига мос кўпгина фазилатларни ўзлаштирган ҳолда, ўз замонасининг тараққийпарвар кишилари бўлиб етишганлар.

Шундай қилиб, Хўжа Аҳрорнинг ўғли — Хўжа Саид Яҳъё Мақбараси ХХР нинг Ёркент шаҳрида ўрин олган.

Хўжа Саид Яҳъёнинг ўғли — Хўжа Саид Ёқуб. Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳудудида дафн этилган;

Хўжа Саид Ёқубнинг ўғли — Хўжа Саид Зайниддин. Қабри Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Журбак қишлоғида ўрни олган;

Саид Зайниддин Хўжанинг ўғли — Саид Хўжа Шаҳобиддин, XVII аср шоири. Хўжанд вилоятининг Қистакўз қишлоғидаги Аҳрорийлар мозорига дафн этилган;

Саид Хўжа Шаҳобиддиннинг ўғли— Хўжа Саид Сайфиддин, Қистакўздаги Аҳрорийлар мозорига қўйилган;

Хўжа Саид Сайфиддиннинг ўғли— Хўжа Саид Муҳаммадхон. Қистакўздаги Аҳрорийлар мозорига дафн этилган;

Хўжа Саид Муҳаммадхоннинг ўғли — Хўжа Саид Эшон. Қистакўздаги Аҳрорийлар мозорига қўйилган;

Хўжа Саид Эшоннинг ўғли — Саид Валихон Беҳжат, тараққийпарвар шоир. Қистакўздаги Аҳрорийлар мозорига дафн этилган.

* * *

УМР — ОТИЛГАН ЎҚ, дейдилар. Ва яна — оқар сувга қиёслайдилар уни. Мен эсам инсонлар умрини дарахтларга ўхшатгим келаверади. Дарахтлар... Катта ва кичик, кўркам ва кўримсиз, мевали ва мевасиз дарахтлар. Чинорларгикин уларнинг энг серфайзи?.. Қутлуғ зотларнинг эзгулик-ла чулғанган умри чинорларга менгзармикин... Қорнин куз оғушида сукутга чўмган сердарахт боғда сукутга чўмиб бораётган ҳув ана у нуроний отахон нималар ҳақида ўйлаётган бўлса?.. Хаёлида узоқ ўтмиш манзаралари жонланаётгандир балки... Ҳаётидаги энг муқаддас дамлар кўз олдига келаётгандир, эҳтимол... Ёки бугунги бетайин даврнинг машмашаю васвасалари унинг кекса кўнглини ҳам нотинч қилаётганмикин?..

Куз. Паришон ва хаёлпараст куз. Бесар шамолларга «ўйинчоқ» бўлиб қолган барги хазонлар кўнгилга номсиз чиқар, яхши кунларга, оппоқ бир ғашлик солади. Сарин эса-да, еллар ҳам малол келиб қолди энди. Нима бу, кузнинг «замонасозлиги»ми ё?!

Ҳей, маҳзун туйғулар либосига бурканган боғи азим! Ҳей, кўҳна ҳисларга чулғанган файласуф фасл! Сен азалдан сирру синоат, кўрку латофат тимсоли эдинг-ку!.. Қани, бир каромат кўрсат — сендан юпанч излаб келган ҳув ёлғиз оқсоқолнинг кўнглидаги ўкинчларини қувиб чиқар, яхши кунларга, оппоқ тонгларга ишонч бағишла! Ахир, у ҳаётга келиб изсиз кетмаган, мана шу чинор янглиғ илдиз таратган улуғ фарзандинг Хўжа Аҳрор Валининг набираси бўлади! Ахир, бундай зотларнинг дилига озор чўкмаслиги керак, ҳаргиз!

Кел, биргалашиб буюк аждодлар руҳини шод этайлик. Шундай қилсак, шубҳасиз уларнинг пок руҳи бизларни, юртимизни бугун ҳам, келгусида ҳам мудом қўллаб тургай!

Абдужалил ҒАФУРОВ,
(Тожикистонда чоп этиладиган «Халқ овози» жумҳурият рўзномасининг 1991 йил 5 ноябрь сонидан қисқартириб олинди).

ВИЛОЯТ ҚУНДАЛИК ҲАЁТИДАН

ЛИМОН ҲОСИЛГА КИРДИ

АНГРЕН шаҳридаги биринчи тез ёрдам касалхонасида иссиқхона борлигидан ва бу ерда минг дардга даво лимон етиштирилаётганлигидан хабарингиз борми? Йўқ, дейсизми, унда эшитинг!

Бултур касалхона худудида 48 сотихлик ерда иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Уни қуришда шу ерлик боғбон Содиқ ака Ахтемовнинг катта ҳиссаси бор. Унинг саъй-ҳаракатлари, елиб-югуришлари туфайли бу ерга қўшни Қибрай ноҳиясидаги Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги, табобат аълочиси Зайнутдин хожи Фахрутдинов бошқараётган лимончилик хўжалигидан юз туп шифобахш неъмат кўчати келтирилиб экилганди. Содиқ ака ўз фарзандлари билан бу иссиқхонани ҳақиқий нознеъмат ўчоғига айлантирди. Сидқидилдан қилинган меҳнат бугунги кунда самарасини берди. Меҳр билан парвариш қилинган лимон кўчатлари ҳосилга кирди.

— Иссиқхонамизда етиштирилаётган лимон беморларни даволашда қўл келмоқда, — дейди хўжалик ишлари бўйича бош врач ёрдамчиси Пётр Пак. — Айниқса, жигар, буйрак ва пешоб йўлларини оғриган беморларни дарддан халос этишда ёрдам бермоқда.

Дарвоқе, уста боғбон Содиқ ака яқинда лимонзорни кенгайтириб, ҳосил етиштиришни кўпайтиришни таклиф этди. Бу ишга ўзи бош-қош бўлишини таъкидлади. Таклиф тиббиёт ходимларига маъқул тушди. Ва яна 30 сотих ер лимон экиш учун ажратиб беришга қарор қилинди.

У. ЖУРАЕВ,
Ангрен.

ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Энгельс номли жамоа хўжалиги меҳнаткашлари 1991 йилни муваффақиятли якунладилар. Пахта, каноп, дон етиштириш режалари ортиғи билан бажарилди. Шунингдек, полиз ва сабзавотдан ҳам мўл ҳосил олинди. Шу кунларда хўжалик меҳнаткашлари баҳорги дала ишларига пухта тайёргарлик кўришмоқда. Ҳамма экин майдонлари сифатли шудгордан чиқарилди. 50 гектар кам қунватли майдонларга шудгорлашдан олдин 30 тоннадан кўпроқ чириган маҳаллий ўғит солинди.

Айни пайтда хўжаликда техникаларни мавсумга шай қилиб қўйиш ишлари амалга оширилмоқда. Техника созловчилардан М. Раҳимбеков, Х. Аҳмедов, У. Чимадов, Ю. Мироненко, А. Сиддиқовлар самарали меҳнат қилишиб, 69 та чопиқ, 16 та ҳайдов тракторларини таъмирдан чиқардилар. Бундан ташқари мавжуд сеялқалар, барона ва молалар ҳам созлаб қўйилди.

Шу кунларда хўжаликда суғориш шахобчаларини тартибга келтириш ва тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

П. ЭРГАШЕВ,
Ғалаба.

ЯНГИ САВДО ДЎКОНИ

Паркент шаҳрининг Булоқбоши маҳалласи аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди. Гап шундаки, бу ерда истиқомат қилувчи 370 хўжалик илғари кундалик эҳтиёж молларини харид қилиш учун анча узоқроқ жойдаги савдо дўконига қатнашарди.

Энди улар бундай ташвишдан холи бўлишди. Маҳаллада барча қулайликларга эга бўлган янги савдо дўкони ишга туширилди. Қурилиш ишларини эса ноҳия матлубот жамиятига қарашли қурувчилар бригадаси амалга оширди.

Ю. ЕҚУБОВ.

МОҲИЯТИНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ

Ривожланган ҳорижий мамлакатлар амалиётида саноатнинг базавий ва илмий-истиқболли тармоқларида давлатнинг улуши 30 фоизли мулк бўлиши чегара ҳисобланади. Англияда, Японияда давлат дастлабки пайтда қолоқ ва сармоя талаб қиладиган тармоқларни рағбатлантириш учун контрол пакетга эга эди. Устун даражада кредит бериш билан бирга бу танҳо эгаликка қарши ёндашувларни таъминлайди. Давлат улушининг кескин камайиши эркин хусусий сармоя (мамлакатда бундай сармоя эгалари қатлами) бўлишини ва чет эл инвеститорларини жалб қилишни тақозо этади. Ялпи акциялаштириш, ҳатто кредитга акция бериш мумкин бўлади. Бу усул қўлланганда иқтисодиётни мақсадга мувофиқ йўналишда ривожлантириш устидан давлат назорати акция пакетлари ва бошқа эгаларга 20 фоиздан ортиқ акцияга эга бўлиш ман қилинишидан ташқари давлат банкларининг актив кредитлари, ўрта ва майда бизнесни рағбатлантириш учун хусусий банк кредитлари кафолатлари билан ҳам таъминланади.

Ўзбекистонда аҳвол шундайки, хусусийлаштиришнинг энг мақбул йўли корхоналарни акциялаштириш, уларни ходимлар сотиб олиши ва акцияларининг айримларини республика фуқароларига беришдан иборат бўлади.

Корхоналар ассоциацияларини шакллантириш (концерн, холдинг ва ҳоказолар кўринишида) бу борадаги муҳим қадам бўлади. Бу иш республикада ҳозироқ бошланди. Ана шу ўринда давлат томонидан танҳо эгаликка қарши назорат зарурдир. Лекин танҳо эгаликни йирик корхона билан чалкаштириб юбормаслик керак. Мустақил корхоналарни мустаҳкамлаш вақтида уларнинг майда ва ўртача бизнес билан ўзаро ҳамкорлик фаолиятини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш мумкин бўлади.

Бу таклифларнинг ҳаммаси бозорга ўтиш ва танҳо эгаликни йўқотиш, рақобатни қўллаб-қувватлаш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш мукобил йўлларини асослашни тақозо этади.

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида рақобат ва танҳо эгаликка қаршилик қилиш давлат таъминотининг бир неча муқобилларини назарда тутади.

Биринчидан, кучли президентлик ҳокимияти бўлиши керак, у халқ ишончига эга бўлиши ҳамда барча ижтимоий-сиёсий кучлар келишган ҳолда сайланган бўлиши керак. Япония, Корея, Малайзия, Туркияда зўр ижтимоий кучларнинг муросаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган эди. Ўзбекистонда ҳам энг яхши намояндалар — расмий ва норасмий ҳокимиятнинг қайд қилинмаган таъсирчан қатламлари бор.

Иккинчидан, сиёсий партиялар ва бошқа сиёсий кучлар узоқ вақт сиёсий муросага келиши ёки фаолиятини тўхтатиши (фавқулодда ҳолатларда), бу билан барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни вужудга келтириш керак.

Учинчидан, давлат фаолияти ва уддабуронликларнинг бу соҳадаги фаолияти тўғрисида жамоатчилик хабардор бўлиши учун ошкоралик кучайиши керак.

Тўртинчидан, самарали парламент назорати зарур, у тегишли ҳуқуқий ва эксперт аппарати бўлишини талаб қилади. Осиёдаги бироита янги индустриал давлатда бу шарт бўлмаган эди.

Бешинчидан, кучли ва муқобил давлат солиқ сиёсати амалга оширилиши лозим, бу сиёсат тегишли нормативлар билан ҳам, мутахассислар билан ҳам мустаҳкамланиши зарур. Барча товарлар ва хизматлар валюта ва бартер экспорти ҳамда импорти учун солиқ имтиёзлари керак. Ўзбекистон ўз корхоналарида пировард маҳсулот олиши ва аҳоли ҳаётини таъминлаш учун уларга муҳтождир.

Олтинчидан, фойда келтирадиган ҳар қандай ўрта ва майда ишларни рағбатлантириш учун фаол давлат кредити лозим.

Еттинчидан, рақобатни ва фойда келтирадиган ишларни рағбатлантириш, экспорт учун ташқи инвестицияларни жалб қилиш ва давлат томонидан кафолатлаш, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини чеклаб қўймайдиган инвесторларни назорат қилиш тадбирларига розилик бериши зарур.

Саккизинчидан, мудофаага ва самарасиз бошқарувга кетадиган харажатларни иложи борича кам сарфлаш, истеъмол соҳасида сармояларни тежаш.

Тўққизинчидан, аста-секин, лекин қисқа муддатларда валютанинг (сўмга нисбатан параллел ишлатиладиган валютанинг) эркин муомалада ишлатилишини таъминлаш.

Ўнинчидан, эркин иқтисодий маконни давлат томонидан таъминлаш — товарлар, хизматлар олди-сотди бозорлари, собиқ Иттифоқнинг бутун худудида ёки бир қисмида, хусусан, Россия ва Украинада, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ишчи кучларининг имтиёзли шартларда ҳаракатланиши. Улар ўртасида танҳо эгаликка қарши фаолиятни рағбатлантириш тадбирларини, банк кредити ставкаларини келишиб олиш ва ҳоказолар мухимдир. Танҳо эгаликка қарши фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва рақобатни рағбатлантириш, йирик бизнес ва Россиядаги бошқа иқтисодий тузилмаларга қизиқтиришга асос бор. Ўзбекистон қулай шартлар билан алоқа қилиши, Туркиядан, Европа Иқтисодий Ҳамжамияти мамлакатларидан кредит ва технологияларни олиши учун дипломатик фаоллик зарур. Субсидиялар, кредитлар олиш ва келгусида экспорт қилиш учун Ўзбекистоннинг Ислом конференцияси Ташкилоти билан алоқалар қилиши истиқболлидир.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида рақобатни рағбатлантирувчи биринчи галдаги тадбирлар тўғрисида» Фармонини ва Ўзбекистон республикасининг «Халқ хўжалигида рақобатни қўллаб-қувватлаш ва танҳо эгалик фаолиятини чеклаш тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Янги фуқаролик Кодексини тайёрлаш объектив зарурат бўлиб қолмоқда, унда барча иқтисодий қонунлар жамланиши, фуқаролик қонунчилигини ривожлантириш ғояси ва унинг босқичлари кўрсатиб берилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Халқ хўжалигида рақобатни қўллаб-қувватлаш ва танҳо эгалик фаолиятини чеклаш тўғрисида»ги Қонунида бир-бирини тўлдирувчи бир қанча нормалар мажмуини назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу нормаларнинг биринчи гуруҳи — ҳокимият ва бошқарув органларининг монополистик ҳаракатларини таъқиқловчи нормалардир. Хусусан, ишлаб чиқариш ва маҳсулотни реализация қилиш соҳасида хўжалик оборотн қатнашчиларининг мустақиллигини чекловчи қонунга бўйсунувчи актлар қабул қилинишига рухсат бермайдиган, хўжалик субъектлари фаолияти учун камситувчи, имтиёз берувчи ёки алоҳида шартлар белгилаш, шунингдек бозорнинг нормал фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилувчи бошқарув органлари ўртасидаги битимларни ман қилишга доир нормалардир.

Ман қилувчи нормаларнинг иккинчи гуруҳи бевосита хўжалик субъектларига тааллуқли бўлиши ва хорижий мамлакатларнинг танҳо эгаликка қарши қонунчилиги моддаларига асосан мос келиши керак. Монополистик фаолиятнинг асосий кўринишлари сифатида аввало бозорда ҳукмронлик мавқеини суиистеъмол қилиш ва рақобатни чеклашга қаратилган битимлар тузишни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Нормаларнинг учинчи гуруҳи давлат — акцияланган корхоналар билан хусусий бизнес, шунингдек, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишини таъминлашда қатнашишни истаган чет эллик корхона эгалари ва инвеститорлар ўртасида инвестиция ва солиқ сиёсати орқали давлат томонидан рағбатлантиришга қаратилгандир. Япония намунаси бўйича у ё бу монополиялашган соҳаларда уларнинг танҳо эгалигини йўқотиш йўлида самарали уддабурронлик фаолияти учун рағбатлантирувчи субсидиялар ва кредитлар бериш мумкин.

Таклиф қилинаётган тадбирларни таъминлаш учун давлат механизми тарзида қонунларда белгиланган тартибда қуйидагиларни тузиш мақсадга мувофиқдир:

— танҳо эгаликка қарши сиёсат ва халқ хўжалигида рақобатни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки вазирлиги;

— экспорт ва импорт Давлат қўмитаси;

— Инвестиция сиёсати қўмитаси.

Бу тадбирлар республика давлат бошқаруви олий органлари тузилишининг умумий ислоҳоти билан келишиб қилиниши керак.

А. САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳи директори, ҳуқуқшунослик фанлари доктори.

• МУШОИРА—92 •

«ЭРКСЕВАР ЎЗБЕКСАН, ҚАЛБИНГДА ЁЛҚИН...»

МЕН «Тошкент ҳақиқати» рўзномасида олтмишинчи йиллардан бери қатнашиб келаман. Ўшанда шоир Назарматнинг тавсияси билан илк шеърим — «Тўйтепага тўйга келинг» матбуот юзини кўрганди. Шу-шу баҳоли қудрат қалам тебратиб келмоқдаман.

Бугунги кунда мустақиллик йўлидан бораётган Ўзбекистон республикасининг бир бўлаги бўлмиш Тошкент вилояти фуқароларига шундай дегим келади:

Ҳамюртларим, мустақиллик осонгина эшик қоқиб кириб келгани йўқ. Унинг учун ўз жонини гаровга тикиб, ҳаётини мустақиллик йўлига бағишлаб, бошини кундага қўйган Ф. Хўжаев, С. Сегизбоев, Чўлпон, Фитрат, А. Қодирий, У. Носир ва бошқа минглаб жасур боболаримизнинг саъи-ҳаракатлари туфайли асрий орзумиз рўёбга чиқди. Энди эркин эканмиз деб лоқайдлик ва бепарволик ботқоғига ботиб юрадиган давр эмас. Мустақил Ватан учун бутун имкониятни ишга солиб, элу юртга садоқат билан хизмат қилиш вақти келди. Бу жиҳатдан чет эллик ватандошларимиз ҳам бизга ҳайрихоҳлик билдиришмоқда. Хуллас, биз шу мустақил диёримизни ҳар томонлама мустаҳкамламасак ўз бахтимиз ва эркимизни ҳимоя этмаган бўламиз. Энди мустақил Ўзбекистоннинг мустақил фикр юритадиган тадбиркор ёш авлоди етишажак. Шу толмас ёшларимизни хайрли ишга йўналтириш биз, катта авлод вакилларининг муқаддас бурчи эканлигини унутмайлик.

МУАЛЛИФ.

• Янги шеърлар

Яшил сайёрада жаннат маконинг,
Дахлсиз тупроғинг, сахий қуёшинг.
Заҳматкаш боғбону чўпон, деҳқонинг,
Букилмас ироданг, метин бардошинг...
Қатағон этилган фарзандлар ҳаққи,
Мустақил Ватанда ҳақ тошгай қарор.
Улғаяжак наслинг — дилбандлар ҳаққи,
Эл-юртда адолат бўлгай барқарор.

АНДИША

Андиша этиб тиндик тил-забонимиз,
Йўқдек бундан ўзга ҳеч имконимиз.
Хато, гуноҳларни ювди қонимиз,
Нечук кемтик бўлур бутун нонимиз,
Ўртада омонатдур ширин жонимиз.
Ҳатто донолар ҳам йўлдан адашди,
Ғолиб мағлуб эрур, номардлар қочди,
Не ёлғон шиорлар асрорин очди,
Сабрим косаси тўлиб қирғоқдан ошди,
Токай мудраб ётар эл-юрт, виждонимиз?
Ичимизда эканку оғули илон,
Бири-бирин ғажишар... тағин мусулмон,
Сотар сендан зўрроқни топгани замон,
Бебурдлар ишига ақл-идрок ҳайрон,
Наҳот сақлолмасак соф имонимиз?
Ёқмагай мустақиллик кўнгли қорага,
Совуқ гап тарқатарлар икки орага,
Сотилар арзимас совға-порага.
Уйнагай ағёр чалган у ноғорага,
Қўрқум, ушолмай қолур деб армонимиз.
Девор ортида одам борлиги ростми?
Ҳалол, ҳаром, ҳақ нима, ажратмас насми?
Барот хайрихоҳ этса, жоҳиллар қасдми?
Биз ишонган кимсалар шунчалар пастми?
Ит ҳурар, олға борар зўр карвонимиз!

ДЎСТ ТОПДИМ

Мен бир дўст изладим: одил, меҳрибон —
Дўст бўлиб душманлик қилиб юрмаса.
Энг оғир кунингда фидо этиб жон,
Омадинг кетганда юзин бурмаса.
Мен бир дўст изладим: инсон мардини, —
Сирлашиб сирингни айтсанг бемалол.
Мард одам дўстининг олар дардини,
Узи ҳам, сўзи ҳам бўлар баркамол.
Мен бир дўст изладим: ҳалол, покиза, —
Ғубор юқтирмаса дўстлик шаънига.
Қилган ишларидан бўлмасанг изза,
Қадрдон бўлолса қадрдонига.
Мен бир дўст изладим: эл аро кезиб, —
Фақат ўзимгамас, халқим учун ҳам.
Чин дўстлар дўстини қадрлар, сезар
Дўстга кўнглим очиқ, очиқдир хонам.
Шундай бир дўст топдим: асли дили пок,
Рости, ундан сабоқ оларман энди.
Уни дер: ҲАҚИҚАТ, қаттиққўл ўртоқ, —
Бир умр содиқ дўсти бўларман энди.

Барот ИСРОИЛ.

15 МИНГ ҚАЛДИРҒОЧ

Ҳар куни турли рўзномалар, мажаллаларни ўқиймиз, лекин уларнинг қандай тайёрланиши ҳақида ҳар ким ҳам тўла тасаввурга эга бўлмаса керак. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган, Тошкентдаги 2-ҳунар-техника билим юрти матбаачилик касбини эгаллаётган ёшлар, ана шу нашрларни шакллантирувчи ишчилар, хизматчилар масканидир.

Ўзбекистонда илк бор 1931 йилда матбаачилар мактабига асос солинди. Ўйилма-йил моддий техник базасини мустаҳкамлаб борди, Улуғ Ватан уруши бошланиб кетгач, мактаб ҳунар-техника билим юртига айлантирилди. Тармоғи анча кенгайган бу ўқув даргоҳида матбаачиликдан ташқари чилангарлик, токарлик ҳунарлари ҳам ўргатила бошланди. Бу касб эгалари ўша оғир йилларда фронтга отланган отаолари, акаларининг ўрнини эгалладилар.

Бу ҳунар техника билим юрти ҳам касб ўргатувчи бошқа илм муассасалари каби ёшларга ўрта мактаб дастури асосида барча фанлардан сабоқ бериб келаётир. Олтмиш йил давомида ана шу ҳунар масканини битирган 15 мингдан зиёд ёш матбаачилар республикамизнинг турли босмаханаларида фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда собиқ талабаларнинг кўплари ишлаб чиқариш илғорлари, раҳбар ходимлар ҳисобланишади. Шулардан бири Ислом Шомуродович Шоғуломов «Шарқ» нашриёт матбаачилик концерни раҳбаридир. Фарғона вилоят босмаханасининг директори Октябрь Қодиров. Тошкент шаҳар полиграфия босмаханасининг машинада ҳарф терувчиси Маъсуда Солиҳова каби матбаачи ходимлар номи бугунги кунда республикамизда ҳурмат билан тилга олинмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида малакали ишчиларни тайёрлаш борасида шу билим юртининг собиқ ўқувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Маҳмуд Иброҳимов, меҳнат фахрийси Ҳошим Олимов ва бошқалар ҳам ўз ишчанликлари билан обрў эътибор топишди.

Ҳозирги пайтда ўқув даргоҳида қўлда ҳарф терувчи, линотипист-машинада ҳарф терувчи, фотонаборчи каби касблар ўргатилмоқда. Билим юртининг ташкил этилганига бу йил 60 йил тўлди. Унинг тўйини нишонлаш учун катта ишлар олиб борилмоқда. Шу боис ўқув муассасасининг ётоқхонаси яхшилаб таъмирланди. Ўқувчиларга пухта билим олишлари ва ҳунар эгаллашлари учун қулайликлар яратиб берилмоқда. Билим юртида бир қатор бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. Меҳнат фахрийлари, собиқ талабалар билан учрашувлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Яқиндан бошлаб бу даргоҳда «Қувноқлар ва зукколар», «Мўъжизалар майдони» тўгараклари ҳам фаолият кўрсата бошлади.

— Биз билим юртимизда талабаларнинг касбларни севиб ўрганишлари ҳамда ўрта маълумот олишлари учун бор имкониятларни ишга соляпмиз,— дейди директор Н. Оллоберганов. Бу мақсадда ўқитувчилар, усталар малакасини оширишга кўпроқ эътибор берилмоқда. Ўқувчилар олган назарий билимларини бевосита ишлаб чиқаришда қўллашлари, яъни тажриба ортиришлари учун шарт-шароит яратилмоқда.

Республикамизда матбаачиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган бу ўқув маскани жамоасини байрамлари билан чин дилдан қутлаймиз. Уларга муносиб ишчи ворислари тайёрлашда янги-янги зафарлар тилаймиз.

Н. ТЎХТАСИНОВА.

● БАРРАЖ қўрғонидаги маиший хизмат уйи тикувчилари Зулхумор Инкарова (чапда) ва Раъно Камоловаларнинг мижозлари шунчалик кўпки, улар Бўстонлиқ районининг узоқ-яқин қишлоқларидан ҳам келишади. Бу икки чевар ҳамиша буюртмачилар кўнглини топиб, маслаҳатларини аяшмайди. Шунинг учун ҳам улар ойлик ва квартал режаларини мунтазам ошириб адо этиб келишмоқда. СУРАТДА: З. Инкарова ва Р. Камолова янги либос намунаси тўғрисида фикрлашмоқдалар.

Суратказ И. ПОРТНОВ.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР

Юқори Чирчиқ ноҳия ички ишлар бўлими 1956 йилда туғилган Ботирбеков Абдумуҳтор Абдусатторовични қидирмоқда. У 1991 йилнинг 16 октябрида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган. Ўша куни эгнида ранги оқариб кетган камзул, қизил-оқ катакли енгил кўйлак, кўк рангли ёзги трико, калиш (товон тарафи қирқиб ташланган), дўппида бўлган.

Белгилари: бўйи 170—175 см., йўғон жуссали, сочи қириб олдирилган, юзи думалоқ, қошлари ёйсимон кўзлари кичик қора, бурни катта, лаблари ўртача, юқори жағининг ўнг томонида икки тиши қисман синган, юзида ва қулоқлари остида ҳоллари, ўнг қўлининг тирсак букилиши жойида куйиш натижасида қолган чандиғи бор. Кар-соқов, ўзбек тилини тушунади. Сартарошхона хизматидан тез-тез фойдаланиб туриш одати, тутқаноқ касали бор. Ақли заиф.

А. Ботирбековни таниганлар ёки у ҳақда бирор маълумотга эга бўлганлар 02 телефони орқали милиция органларига хабар беришларини сўраймиз.

* * *

Тошкент шаҳар Октябрь ноҳияси ички ишлар бўлими Ибн Сино мавзесидаги 12-уй, 23-хонадонда истиқомат қилувчи, 1912 йилда туғилган Раҳматилла Абдуллаевни қидирмоқда. У 1991 йил 21 декабрь куни эрталаб уйдан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган. Ўша куни эгнида ҳарбийлар камзули, қора костюм-шим, қора плашч, бошида қора телпак, оёғида махси-калиш бўлган.

Белгилари: бўйи 160—165 см., ўртача, жуссали, юзининг чап тарафида сўгалли холи, пешанасининг ўнг томонида кўзга ташланадиган ҳоли бор. Тишлари йўқ.

Р. Абдуллаевни кўрганбилганлар ва у ҳақда бирор маълумотга эга бўлганлар 42-35-01, 42-35-02; 42-35-23; 75-71-10 телефонлари орқали хабар беришларини сўраймиз.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

МИЛЛИЙ МУДОФАА ҚЎМИТАСИ ТУЗИЛДИ

ТОЖИКИСТОН Президенти Раҳмон Набиевнинг фармони билан республикада миллий мудофаа қўмитаси тузилди. Унга генерал-майор Фарруҳ Ниёзов раис қилиб тайинланди. «Суверен ва мустақил Тожикистон республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги аъзолари мудофааси ва Қуролли кучлар Бирлашган қўмондонлиги масалаларига оид Минскда эришилган битимларга қатъий риоя қилади» деди у. Қўмитанинг тузилиши Тожикистоннинг ўз армияси вужудга келтирилишини билдирмайди.

КУПОНЛАР, КУПОНЛАР

МОЛДОВА республикаси ҳукумати истеъмол бозорини ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқмоқда. Хусусан, 1 февралдан бошлаб купонлар жорий этиладиган бўлди. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, Молдова маъмурлари Украина купонлардан фойдаланишга ўтаётганлиги учун ана шу чорани қўлланишга мажбур бўлмоқда.

МОСКВА ЯҚИНИДА ЖЕНЬШЕНЬ ЎСТИРИЛАДИ

«Каширский» совхозида бир гектар майдонда женьшень (одамгиёҳ) ўстиришган биринчи тажриба майдони ташкил қилинди. Бу ғайритабиий ишни пойтахтдаги 2 та илмий жамоа бошлади. У совхоздан 20 гектар ерни ижарага олиб, бу табиий-иқлим зонаси учун расм бўлмаган турли доривор ўсимликлар ўстиришга қарор қилди. Ижарага олинган ерларда кўчатларни, шу жумладан одамгиёҳни совуқдан сақлаш учун ёпиқ иншоотлар қурилмоқда. Доривор гиёҳларни сотишдан тушадиган фойданинг 50 фоизи ижара ҳақи сифатида тўланади.

ЛОЙДАН...

ОЗУҚА МАҲСУЛОТИ

ОЧИҚ кон ишлари илмий-тадқиқот билимгоҳи олимлари ва «Экибастузуголь» (Павлодар, Қозоғистон) бирлашмаси мутахассислари қорамоллар, мўйнали ҳайвонлар ва қушларни озиқлантириш учун уларнинг емига ғайриоддий, лекин самарали қўшимча қўшиб бера бошладилар. Бу қўшимча чуқур сувости лойидан тайёрланади. У 30 тагача микроэлементга эга бўлиб, яхши сингишлидир. Бу ҳол ҳайвонлар семиришини 10 фоиз оширади. Бунинг устига лойдан тайёрланган қўшимча моллар касалланишини камайтирди, паррандалар серпуштлигини оширади. Лойдан қўшимча ишлаб чиқариш учун бирлашма ҳузурида «Бентонит» кичик корхонаси ташкил қилинди.

УЧ СТВОЛЛИ ТЎППОНЧА

РОССИЯДАГИ энг қадимий Тула қурол-аслаҳа заводида шу пайтгача ўхшаши бўлмаган қурол — уч стволли тўппонча ишланди. У ўқ, питра ва огоҳлантирувчи ракеталар билан отади.

Янги қуролнинг дастлабки намунаси турли иқлим зоналарида синовдан ўтказилгач, Совет — Франция экипажи томонидан космик кема бортига олиб чиқилган эди. Табиийки, ундан «юлдуз урушлари»да эмас, балки кимсасиз жойга мажбурий қўниб қолишга тўғри келган пайтда фойдаланиш назарда тутилган эди. Бу қуролнинг олиб қўйиладиган қўндоғи бор, унинг ёрдамида чангалзорларда йўл очиб бориш, ўтин тайёрлаш, чуқур ва ҳандақ қазиш мумкин. Тўппончанинг ўзи 1,6 килограмм келади, қўндоғи —0,8 килограмм.

Космик экипаж бу қуролни ишлатишига тўғри келмади. Лекин у фақат космонавтларгагина асқотиб қолмасдан овчилар, геологлар, ўрмон қоровуллари учун зарур бўлиши мумкин.

«ЭЛФ-АКИТЭН» НЕФТЬ ҚИДИРАДИ

«ЭЛФ-АКИТЭН» томонидан РСФСР ва Қозоғистонда нефть қидириш ва қазиб олиш мақсадида тузилган «Интернефть» компанияси Волга бўйида, Саратов ва Волгоград шаҳарлари оралиғида жойлашган суюқ углеводородга бой жойларни текшириш мақсадида бурғилашга киришди. Яқинда иккинчи контрактни имзолаш мўлжалланмоқда. Бу контракт бўйича Қозоғистонда, Актюбинск шаҳри атрофларида худди шундай ишларни олиб бориш назарда тутилади. Қидирув ишлари француз усули ва уларнинг техникаси асосида олиб борилади. «Интернефть» топган нефть конларидан кейин ўртада фойдаланилади.

[МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ].

ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИДА

БОДНИНГ ДАВОСИ БОРМИ?

Бу хасталикка учраганлар билан мулоқотда бўлсангиз, дарднинг тез-тез кўчиб юриши, «чанг солганича қўйиб юбормаётганлиги»ни айтиб нолийдилар. Чиндан ҳам бод касаллиги хуруж қилганда бир йўла бириктирувчи тўқималардан бир нечтасини ўз гирдобида тутиб туради. Зирқираб оғриқ беради, бод кўпинча юрак томир тизимини, бора-бора юракнинг ўзини «асир»ликка олишга қодир бўлган бешафқат касалликдир. Тиббиётда бу дарднинг пайдо бўлиши бирор йиллик инфекция ўчоғига «уя» қуриб олган йирингли яллиғланиш бактерияси билан боғлиқлиги исботланган. Масалан сурункали томоқ оғриғи, сурункали қулоқ яллиғланиши ва бошқа хасталиклар бодга сабабчилар бўлиши мумкин. Кўп вақт давомида совуқда қолиб кетиш, тез-тез ҳаяжонланавериш, жисмоний жиҳатдан зўриқиш, овқатга ёлчимаслик ҳам бу касалликнинг пайдо бўлишига замин яратувчи воситалардир.

Боднинг кўринишлари турлича. Кўпроқ учрайдиган шаклида тана ҳарорати кўтарилиб кетади, қонда ўзгаришлар содир бўлади. Юрак қопқоғида жиддий оғриқ сезилади. Ўз навбатида бу— йирик бўғинларда, тизза, болдирда кучли оғриқни вужудга келтиради. Ана шу жойлардаги терининг қизариб кетиши, шиш пайдо бўлиши ҳам дарднинг кучли эканлигидан даракдир. Хасталикдан кўпроқ юрак шикаст топиб боради, шунинг учун бод (ревматизм) ҳақида «бўғинларни ялаб туриб, юракни узиб оладиган касаллик» деган хулосага келишгани бежиз эмас.

Тиббиётда бодни фаол ва фаол эмас деган босқичларга бўлиш тартиби мавжуд. Бу касаллик ёш-қарини аямайди, баробар ёпишаверади. Кузатишлар, одамлар бодга ўта бефарқ қараб келаётганликларини кўрсатмоқда. Бўғинлари оғриганлар «шамоллабман шекилли» деб лоқайд юраверадилар. Кейин дард зўрайиб кетгач, дўхтирга мурожаат қиладилар. Кечикканликларини, хасталикни ўтказиб юборганликларини шунда ҳис этиб афсусланадилар.

Шуни айтиш керакки, бодга йўлиққанларнинг аксариятида юрак уриши тинглланганда, товуш бўғиқ чиқанлиги аниқланган. Бу ҳам боддан хабар берувчи белгидир. Касаллик аввал тирсак бўғинларини, кейин кафт усти бўғинларини шикастлайди. Сўнгра юракка етиб боради.

Ҳозир тиббиётда боднинг фаол, фаол эмаслигини аниқлаб берадиган аппаратлар бор. Муолажалар ана шу хулосаларга қараб олиб борилади. Бод хасталиги билан оғриганлар шифохоналарда даволанадилар. Касалликнинг фаол шаклидагилар поликлиника шароитида ревматолог—шифокор ҳисобида турадилар.

Бод билан оғриганларни елвизакдан, қаттиқ совуқдан асраш лозим. Дардга чалинган бемор шўрдан ўзини тийиши, оқсилли, ёғ, витаминлар маромида бўлган овқатларни истеъмол қилиши лозим бўлади.

Бод хасталиги инжиқ дард ҳисобланади, шунинг учун тишини қурт еган киши уни даволатиши, сурункали томоқ оғриғига чалинганлар ундан ҳоли бўлишлари керак. Акс ҳолда танадаги бошқа жисмларнинг яллиғланиши ҳам охир-оқибатда бодга олиб келади. Шифокор сифатида бундай хасталикка чалинган кишиларни муолажалардан сўнг, «Сочи», «Старая Русса», «Чимён», «Чортоқ» санаторийларида қўшимча даволанишларини тавсия этамиз.

Шоира КОМИЛОВА,
шифокор.

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ЁРДАМ БЕРИШ УЧУН БИРЛАШИШДИ

Афғонистончи фаҳрийлар уюшмасининг Тошкент вилоят бўлими ўзининг қадрини тутиб олиши учун республика ташкилоти берган ёрдамни икки ҳисса қилиб қайтарди. Республика уюшмасига ўн минг сўм ўтказилди.

— Бўлимимиз бундан ярим йил олдин ташкил этилган эди,— деди бошқарув раиси Х. А. Зокиров.— Дастлабки пайтда «Совпласттитал» совет-итальян қўшма корхонаси, автомобиль транспорти вазирлиги, Ўзбекистон ишбилармонлар уюшмаси, хўжалик ҳисобидаги «Шарқ» ташқи иқтисодий корхонаси ва бошқалар катта ёрдам беришди. Улар бизнинг ҳисобимизга маълум миқдорда пул ўтказишди, бино ажратиб, уни жиҳозлаб беришди.

Бироқ вилоят ташкилоти ҳайрия ҳисобига яшамоқчи эмас. Ҳозирнинг ўзидаёқ хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган олтита корхона ташкил этилди, улар оладиган фойданинг бир қисмини муҳтожлар ва уларнинг оилаларига ёрдам беришга сарфланади. Ташкилот фаоллари ногиронларнинг, ҳалок бўлган ва бедарак кетган байналмилалчи жангчиларнинг эллиқта оиласини аниқладилар.

Вилоят бўлими ташкилий тузилмани мустаҳкамламоқда — шаҳарларда ва районларда еттита бўлим ташкил этилди. Ташкилот саккиз минг «афғончи»ларни актив меҳнат фаолиятига жалб қилиш билан чекланиб қолмаяпти. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ёшлар вилоят комитети ва вилоят ҳарбий комиссарияти билан биргаликда армияга чақирилувчилар спартакиадасининг ўтказилгани бунинг далилидир. Ташкилот аъзолари мактабларга, ҳунар-техника билим юртларига тез-тез бориб турадилар.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

ЭЪЛОНЛАР, БИЛДИРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
17, 18, 19 ЯНВАРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

«КЎЗГУ»
ДЕМОКРАТИК ТЕАТРИ
ЯНГИ ТОМОШАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон халқ артисти
Бахтиёр ИХТИЁРОВ
«ҚИЗИҚЧИ-89» кўригининг ғолиби
Мирзабек ҲОЛМЕДОВ

Ўзбекистон қизиқчи ва аскиячилар кўригининг совриндори
Тўхтамурод АЗИЗОВ
Театр ва кино артисти Матёқуб МАТЧОНОВ.
Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 да сотилади.
Жамоа бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.
Телефонлар: 45-92-13, 33-67-73.

«ТОШКЕНТ-ПАССАЖИР» СТАНЦИЯСИНИНГ
2-ВАГОН ДЕПОСИ
йўловчи вагонларининг ички жиҳозларини таъмирловчи, 4—5 даражали чилангар, йўловчи вагонларининг ички жиҳозларини таъмирловчи, 4—5 даражали дурадгор, 3—4—5 даражали чилангар-сантехник, 4—5 даражали ойнасозларни
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Ўртача иш ҳақи — 500—700 сўм.
Мутахассисликка эга бўлмаганлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 3 ой давомида ўқитиладилар.
Шахсий ҳужжатлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қайд қилинган шахслар ишга қабул қилинадилар.
Манзилгоҳимиз: 700005, Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ҳ. Умаров кўчаси, 8-уй, 2-ВЧДнинг расмийлаштириш бўлими (11, 40, 45, 50, 67-автобуслар; 14-троллейбус; 25-маршрут таксисининг «Салор ариғи» бекати).

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Муҳаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; бўлимлар: шўролар ҳаёти — 325778, 337010; қишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749, 337010; ижтимоий масалалар — 325645; маданият — 325787; адабиёт ва санъат; миллий қадриятлар — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот ва спорт — 325556, 339915; хатлар ва оммавий ишлар— 325354, 334048; тижорат бўлими — 325733; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 325354, 334048; эълонлар— 325666.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Нашр кўрсаткичи: 14. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 30579 нусха босилди.